

Ўзбекистон
iqtisodiy
axborotnomasi

1/2021

TAHLILIY JURNAL

ISSN 2010-6475

АНАЛИТИЧЕСКИЙ ЖУРНАЛ

1919

Экономический
вестник
Узбекистана

Analytical magazine «Economic Bulletin of Uzbekistan» since 1919

EVU

ЎЗБЕКИСТОН САНОАТИНИНГ БАЙРОҚДОРИ
ФЛАГМАН ПРОМЫШЛЕННОСТИ УЗБЕКИСТАНА
FLAGMAN OF THE INDUSTRY OF UZBEKISTAN

НКМЖ

Нашр хомийси
Спонсор выпуска



Мустақилликнинг
йиллигига бағишланади

30



YILLIK



22%
gacha

YANGI **OMONATLAR**
SIZNI XURSAND QILADI!

(71) 200-43-43



Xizmatlar litsenziyalangan

ХОЛДИНГ «DURABLE GROUP» УЧАСТВУЕТ В СТРОИТЕЛЬСТВЕ ШЕСТИПОЛОСНОЙ АВТОДОРОГИ И ТРЁХ ПУТЕПРОВОДОВ В ТАШКЕНТЕ.

В целях дальнейшего развития инфраструктуры Ташкента ведутся работы по строительству шестиполосной автодороги и трёх путепроводов. Реализация данного проекта даст возможность добраться в любую точку Ташкента из Сергелийского района за 20 минут.

Проект был разработан институтом по проектированию транспортных сооружений «Allegro Develop Project», а строительные работы осуществляются компанией «Grand Road Tashkent». Компания «Durable Beton» поставляет высококачественные бетонные смеси класса B55 (марки 750).

Согласно проекту, первый перекрёсток строящейся дороги Чопонота-Кипчак будет пересекаться с ташкентской МКАД. Протяжённость моста составит 620 м. Для строительства путепровода будет внедрена технология монолитного бетонирования.



*Navro'z =
Bayramingiz muborak
bo'lsin!*

Реклама ҳуқуқи асосида

 **ALOQABANK**
YUKSAKLIKKA INTILGANLAR UCHUN

**ORZUINGIZDAGI AVTOMOBILGA
ALOQABANK BILAN ERISHING**



30%

BOSHLANG'ICH BADAL

26%

FOIZ STAVKASI

3 yil

MUDDATGA

71 230 77 77

www.aloqabank.uz
XIZMATLAR LITSENZIYALANGAN

 /aloqabank  /aloqabank.uz  /aloqabank



На правах рекламы

@hiltontashkentcityhotel
@HiltonTashkentCity
www.tashkentcity.hilton.com

2, Islam Karimov Street, block 5
Tashkent, 100027, Uzbekistan
+998 71 210 88 88

Услуги лицензированы

AJOYIB YANGILIK



UNITS

Har bir UNIT Sizning ixtiyoringizda!

**Ortiqcha TO'LOVLARSIZ, INNOVATSION
va MOSLASHUVCHAN tarif rejasi**



Batafsil ma'lumot www.uztelecom.uz saytida



Assalom Navro'z

Ипотека-банк АТИБ жамоаси

Барча юртдошларимизни Наврӯз байрами билан муборақбод этади. Ушбу байрам ҳаётингизга қувончли хабарлар, фаровонлиқ, осойишталик бахт ва саодат олиб қелсин.

*Юртимиз тинч осмонимиз мусаффо бўлсин.
Ипотека-банк ҳамisha Сиз билан!
Имқоният яратамиз!*



Tahrir kengashi raisi:

Abdurahmonov Q.X.

Tahrir kengashi:

Abduhakimov A.A.

Aslanov Sh.Ch.

Begalov B.A.

Djulibekov N.K.

Husanov N.B.

Pardayev M.Q.

Po'latov D.H.

Rahmatov X.U.

Umurzakov O'P.

G'ulomov S.S.

Bosh muharrir

Azamov Sh.B.

Badiiy muharrir

Belyatskaya Ye.V.

Reklama bo'yicha menejer

Ryabov Ye.A.

№ 1/2021

00642

**TOTAL
NUMBER**

**O'zbekiston
iqtisodiy
axborotnomasi**
1/2021

АНАЛИТИЧЕСКИЙ ЖУРНАЛ
Экономический
вестник
Узбекистана

1919

OBUNA INDEKSI: 834

Manzilimiz:

100000, Toshkent sh.,
Matbuotchilar ko'ch., 32.

Telefonlar:

71 239-11-25 (qabulxona);
71 239-15-21 (jurnal tarqatish bo'limi);
71 233-54-49 (reklama bo'limi);

e-mail: info@evu.uz;

http://www.evu.uz

O'zbekiston Respublikasi Matbuot va axborot agentligi
ro'yxatidan o'tish tartibi № 0025. Ruxsat berilgan vaqti:
2018 yil 12 iyun.

Bosishga ruxsat etildi: 20.03.2021-y. Shartli bosma
taboq 14.5. Tiraj 3000 nusxa. Buyurtma № 455.
Jurnal «PRINTUZ» MCHJ bosmaxonasida bosildi.
Toshkent sh., Mirobod tum., Mirobod ko'ch., 41/2-uy.
Bahosi kelishilgan narxda.
Davriyligi – har ikki oyda bir marta.

Nashr O'z OAKning ro'yxatiga kiritilgan.

Jurnal «Uzbekistan Airways» AJning
xalqaro yo'nalishlarida tarqatiladi.

Tahririyatga yuborilgan materiallar retsenziya
qilinmaydi va muallifga qaytarilmaydi.

«O'zIA-ЭВУ» jurnalida chop etilgan materiallardan
nusxa ko'chirish, tarqatish va boshqa shakllarda
foydalanish faqat tahririyat yozma roziligi bilan
amalga oshirilishi mumkin.

Jurnal 1919-yildan buyon nashr etiladi.

Muassis:

«O'zbekiston iqtisodiy axborotnomasi –
Ekonomicheskij vestnik Uzbekistana» MCHJ

10

KATTA INTERVYU

10

Ўзбекистон саноатининг байроқдори

20

MUTAXASSIS FIKRI

20

Матонатли меҳнат маҳсули

24

TARMOQ RIVOJLANISHI

24

Инвестиция – барқарор ривожланишнинг муҳим кафолати

27

RIVOJLANISH ISTIQBOLLARI

27

Ўзбекистон уран саноати – жадал ривожланиш йўлида

30

Қизилқум бағридаги мўъжиза

34

Маҳаллийлаштириш дастури – инновация имкониятларининг асосий драйвери

38

Янгиланаётган Учқудук

40

Инновация геология ривож учун хизмат қилади

42

KADRLAR MASALASI

42

Таълим ва ишлаб чиқариш интеграцияси – етук кадрларни тайёрлашнинг муҳим омили

44

ILMIY YONDASHUV

44

Кон-металлургия саноати корхоналарини солиққа тортиш механизми: халқаро амалиёт ва тажриба

47

Кон-металлургия саноати корхоналарида стратегик бошқарув ҳисобини ташкил қилиш мезонлари

50

Барқарор иш ўринларини яратиш – фаровонлик негизи

52

NUQTAYI NAZAR

52

Хизмат кўрсатиш соҳаси – аҳоли бандлигини таъминлашнинг муҳим омили

53

IJTIMOY RIVOJLANISH DASTURI

53

Ўзбекистонда аёллар ва болалар ҳолати: мультииндикатор кластер кузатувлари

Содержание

№ 1/2021

00642

TOTAL
NUMBER



**Председатель
редакционного совета:**

Абдурахманов К.Х.

Редакционный совет:

Абдухакимов А.А.

Асланов Ш.Ч.

Бегалов Б.А.

Гулямов С.С.

Джулибеков Н.К.

Пардаев М.К.

Пулатов Д.Х.

Рахматов Х.У.

Умурзаков У.П.

Хусанов Н.Б.

Главный редактор

Азамов Ш.Б.

Художественный редактор

Беляцкая Е.В.

Менеджер по рекламе

Рябов Е.А.

**O'zbekiston
iqtisodiy
axborotnomasi** АНАЛИТИЧЕСКИЙ ЖУРНАЛ **1919** ©
ISSN 2010-0475 **Экономический
вестник
Узбекистана**
1/2021 ТАНДИМ ЖУРНАЛ

ПОДПИСНОЙ ИНДЕКС: 834

Адрес редакции:
100000, г. Ташкент,
ул. Матбуотчилар, 32.

Телефоны:
71 239-11-25 (отдел рекламы);
71 239-15-21 (приёмная);
71 239-15-18 (отдел распространения);
e-mail: info@evu.uz;
http://www.evu.uz

Регистрационное свидетельство Агентства
по печати и информации РУз № 0025 от 12.06.2018 г.

Подписано в печать 20.03.2021 г.
Усл.-печ. л. 14,5. Тираж 3000 экз. Заказ № 455.
Отпечатано в ООО «PRINTUZ».
г. Ташкент, Мирабадский р-н., ул. Мирабадская, д. 41/2.
Цена договорная. Периодичность –
один раз в два месяца

Журнал распространяется на международных
авиалиниях НАК «Узбекистон ҳаво йўллари».

Присланные в редакцию материалы не
рецензируются и не возвращаются.
Воспроизводство, копирование, тиражирование,
распространение и иное использование
информации с журнала «O'zIA-EVU» возможно
только с предварительного письменного
разрешения редакции.

Журнал издаётся с 1919 года.

Учредитель:
ООО «O'zbekiston iqtisodiy axborotnomasi –
Ekonomicheskiy vestnik Uzbekistana»

O'ZSANOATQURILISHBANK 56

«Ўзсаноатқурилишбанк»да трансформация: мукамал технологиялардан
қулай ва содда хизматлар 56

IFODA 58

«Биргаликда етиштирамиз!» 58

ҚЎКОН БИОКИМЁ 60

Ривожланишнинг янги даври 60

БОЛЬШОЕ ИНТЕРВЬЮ 62

Флагман промышленности Узбекистана 62

МНЕНИЕ СПЕЦИАЛИСТА 72

Самоотверженный труд коллектива НГМК – залог новых
достижений и перспектив 72

РАЗВИТИЕ ОТРАСЛИ 74

Инвестиции – важнейшая гарантия устойчивого развития 74

ПЕРСПЕКТИВЫ РАЗВИТИЯ 76

Урановая отрасль Узбекистана 76

Сокровища Кызылкума 79

МЕЖДУНАРОДНОЕ СОТРУДНИЧЕСТВО 82

Сотрудничество института «Иргиредмет» и Навоийского
горно-металлургического комбината 82

РЫНОЧНЫЕ МЕХАНИЗМЫ 84

Золото – стратегический инвестиционный актив 84

Chairman of Editorial Council:

Q.Kh. Abdurakhmonov

Editorial Council:

A.A. Abdukhakimov

Sh.Ch. Aslanov

B.A. Begalov

N.K. Djulibekov

S.S. Gulyamov

M.K. Pardaev

N.B. Khusanov

Kh.U. Rakhmatov

D.Kh. Pulatov

U.P. Umurzakov

Editor-in-Chief

Sh.B. Azamov

Art Editor

E.V. Belyatskaya

Advertising Manager

E.A. Ryabov

O'zbekiston
iqtisodiy
axborotnomasi
1/2021 ANALITIKESKIY JURNAL
Экономический
вестник
Узбекистана ISSN 2010-6475 © 1919

SUBSCRIPTION INDEX: 834

Address of editorial office:

32, Matbuotchilar Street, Tashkent 100000
Uzbekistan

Telephones:

71 239-11-25 (Reception)

71 239-15-21 (Circulation Department)

71 233-54-49 (Advertising Department)

e-mail: info@evu.uz;

<http://www.evu.uz>

Registration Certificate No. 0025 dated June 12, 2018 issued
by the Uzbek Press and Information Agency

Signed to print on 20 March, 2021.

No. of conventional printed sheets: 14.5.

Circulation 3000 copies. Order No. 455.

Printed by «PRINTUZ» LTD. 41/2, Mirabad Street,
Tashkent, Republic of Uzbekistan.

Negotiable price. Bi-monthly periodicity.

The periodical is included in the official register
of State Commission for Academic Degrees
and Titles of the Republic of Uzbekistan.

Distributed on international flights of the Uzbekistan
Airways.

Received submissions are not peer reviewed and not sent
back.

Published since 1919.

Founder:

«O'zbekiston iqtisodiy axborotnomasi –
Ekonomicheskiy vestnik Uzbekistana» LLC

88

ЭКСКУРС В ИСТОРИЮ

88

Золотое сердце Кызылкумов

92

ПРОГРАММА СОЦИАЛЬНОГО РАЗВИТИЯ

92

Положение женщин и детей в Узбекистане: мультииндикаторное
кластерное обследование

95

АО «АЛМАЛЫКСКИЙ ГМК»

95

АО «Алмалыкский ГМК» укрепляет свои позиции

100

BIG INTERVIEW

100

Flagman of the Industry of Uzbekistan

107

INDUSTRY DEVELOPMENT

107

Investment is the Most Important Guarantee of Sustainable
Development

109

DEVELOPMENT PROSPECTS

109

Uzbekistan's Uranium Sector

112

Decades of Successful Collaboration

114

SOCIAL DEVELOPMENT PROGRAM

114

The Situation of Women and Children in Uzbekistan: Multi-Indicator
Cluster Survey (MICS)

EVU
MAGAZINE



f evu1919

ig evumagazine

evumagazine

www.evu.uz

+998 71 239-11-25; +998 71 239-15-21; +998 71 233-54-49.



Birgalikda yetishtiramiz!

Reklama huquqi asosida



Birgalikda yetishtiramiz!

- «IFODA» – келажак сари қўйган ишончли ва инновацион қадамингиз!
- «IFODA» – сиз орзу қилинг, биз амалга оширамиз!
- «IFODA» – хирмонингиз мўл бўлиши кафолати!
- «IFODA» – деҳқон ва фермерлар нажоткори!
- «IFODA» – ҳар ер, ҳар боғ, ҳар тупроқда!
- «IFODA» – биргаликда етиштирамиз!

www.ifoda.uz



(78) 147 05 00



@ifodaagroconsulting

Mahsulot sertifikatlangan

ЎЗБЕКИСТОН САНОАТИНИНГ БАЙРОҚДОРИ



Кон-металлургия тармоғи Ўзбекистон иқтисодиётида етакчи ўринлардан бирини эгаллаб турибди. Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан ушбу соҳада қулай инвестиция муҳитини яратиш, халқаро бозорда маҳаллий маҳсулотлар улушини кўпайтириш, модернизация қилиш ва илғор технологияларни жорий этиш бўйича қатор дастурлар амалга оширилмоқда.

Навоий кон-металлургия комбинати (НКМК) давлатимиз саноати ва иқтисодиётида муносиб ўрин эгаллаган ҳолда олтин ва уран ишлаб чиқариш бўйича жаҳонда етакчи ўнталикдан жой олган.

*НКМК Бош директори **Қувондиқ САНАҚУЛОВ** билан суҳбатимизда комбинатнинг 62 йиллик тарихи таҳлил қилиниб, ривожланиш истиқболлари ҳақида сўз борди.*

– Қувондиқ Санақулович, давлатимиз раҳбари ўтган йилнинг 29 декабрь куни Олий Мажлисга қилган Мурожаатномасида саноат тармоқлари олдида бир қатор вазифаларни кўйди. Суҳбатимизни бу борадаги фикр-мулоҳазаларингиз билан бошласак.

– Ушбу Мурожаатноманинг ўзига хос хусусияти, аввало, у Ўзбекистон учун ҳам, бутун дунё учун ҳам оғир кечган йилни якунлаб берганидир. Пандемия, табиий ва техноген офатлар ва бунинг натижасида

юзага келган жиддий иқтисодий хавф-хатарлар Президентимиз томонидан танланган стратегик ривожланиш курсининг пухталигини синовдан ўтказди. Бугун ортга назар ташлайдиган бўлсак, шуни ишонч билан айтишимиз мумкинки, Ўзбекистон нафақат ўз чекига тушган синовлардан ўтди, балки бир қатор муҳим ғалабаларга ҳам эришди.

Давлатимиз раҳбари Парламентга, унинг тимсолида Ўзбекистон халқига мурожаат қилиб, мамлакатни ривожлантиришнинг стратегик мақсадларини амалга



Шавкат МИРЗИЁЕВ,

Ўзбекистон Республикаси Президенти:

«...Бу ерда қатор янги юқори технологик ишлаб чиқаришларни яратишимиз, рақобатбардош саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтиришимиз, ҳудуднинг улкан табиий, ишлаб чиқариш, меҳнат ва интеллектуал салоҳиятини янада тўлиқ рўёбга чиқаришимиз лозим.

*Навоий кон-металлургия комбинатининг юксак профессионал малакали аҳил ва истеъдодли жамоаси ҳамда бой тажриба ва маҳоратга эга, юртимиз ва халқимизга содиқ Навоий шаҳри аҳли ана шундай кенг миқёсли вазифаларни муваффақиятли адо этишига ишонаман»***

ошириш бўйича йил давомида қилинган ишларга оид ҳисоботни жамоатчиликка тақдим этди, шунингдек, келгуси давр учун Ўзбекистонни янада ислоҳ қилиш ва модернизациялашнинг энг муҳим вазифаларини, асосий устувор йўналишларини белгилаб берди. Камбағалликни қисқартириш ва аҳоли фаровонлигини ошириш 2021 йилдаги асосий стратегик мақсадлар сифатида эълон қилинди. Иқтисодий ўсишнинг юқори суръатларини таъминлаш ва чуқур таркибий ўзгаришлар орқали барча учун тенг имкониятлар яратиш ҳаётнинг барча жабҳасида қўйилган мақсадларга эришиш учун асос бўлиб хизмат қилади. Президентимизнинг таъкидлашича, жорий ва кейинги йилларда давлатнинг иқтисодийётидаги иштироки камаяди. Чунончи, яқин икки йилда давлат иштирокидаги корхоналар сонини камида уч марта қисқартириш режалаштирилган. Бунинг учун тармоқнинг стратегик аҳамиятга эга бўлган 32 та корхонаси ўзгартирилади. Мазкур жараёнда техник ва ташкилий ёрдам хориждан жалб этиладиган мутахассислар томонидан кўрсатилади. Келаси йили «Ўзбекнефтегаз», «Ўзбекгидроэнерго», «Ўзавтосаноат» АЖ, шунингдек, Навоий кон-металлургия комбинати халқаро молия бозорига чиқиш ва маблағларни давлат кафолатисиз жалб этиш имкониятига эга бўлади.

Кўзланган чора-тадбирлар мажмуи яқин истиқболда янги Ўзбекистоннинг шаклланишига хизмат қилади.

– Навоий кон-металлургия комбинати меҳнат жамоаси ўтган йили эришган натижалар ва 2021 йил учун белгиланган режалар ҳақида сўзлаб берсангиз.

– 2020 йил якунларига кўра комбинат бўйича маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми 49,2 трлн. сўмни ташкил этди ва прогноз 105,3 фоизга бажарилди, ўтган йилга нисбатан ўсиш суръати 106,5 фоизни ташкил қилди. Шу билан бирга, олтин ишлаб чиқаришнинг прогноз ҳажми 4 тоннага, 2019 йилга нисбатан эса 5,1 тоннага ошди. Бунинг натижасида 300 млн. долларлик қўшимча маҳсулотлар ишлаб чиқарилди. Кумуш 105,4 фоиз ўсиш суръати билан 20 тоннадан, уран эса 100,3 фоиз ўсиш суръати ортиқ бўлди. 266 млн. долларлик маҳсулот экспорт қилинди ва прогноз 110 фоизга уд-

даланди. Маҳаллийлаштириш дастурига кўра 138 та лойиҳа бўйича 352,3 млрд. сўм миқдорида маҳсулот ишлаб чиқарилди, ўсиш суръати 151,8 фоизни ташкил этди.

Жорий йилда эса, биринчидан, ишлаб чиқариш ҳажми 51 трлн. сўмдан ортиши прогноз қилинмоқда. Бу 2020 йилга нисбатан 2 трлн. сўмга кўпдир. Айни мақсад йўлида қуйидаги тадбирлар режалаштирилган:

- тоғ массасини чиқариш, таркибида олтин мавжуд бўлган рудани қазиб чиқариш ва қайта ишлаш ҳажминини ошириш зарур;
- тизимли асосда маҳсулот ассортиментини ва уни экспорт қилиш географиясини кенгайтириш ишлари амалга оширилади;
- Маҳаллийлаштириш дастурига асосан 433 млрд. сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилади;
- ишлаб чиқариш харажатларини камайтириш чора-тадбирлари мажмуининг амалга оширилиши натижасида 1052,8 млрд. сўм миқдоридаги маблағ тежаланилади;
- комбинат тизимида 3,5 мингга яқин янги иш ўрни яратилади;
- жорий йилдаги фаолиятнинг молиявий натижаси 103,2 фоиз ўсиш суръати билан 10,381 млрд. сўм миқдорида прогноз қилинмоқда;
- давлат бюджетига тўловлар ҳажми 32 трлн. сўмдан ортиқни ташкил қилади (102%).

Шунингдек, жамоатчилик назоратини ташкил этиш, мавжуд муаммолар ва уларни ҳал этиш юзасидан кўрилатган чора-тадбирлар тўғрисида оммавий ахборот воситалари билан очиқ мулоқот тизимини яратиш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилади.

– Қувондиқ Санақулович, биламизки, Навоий кон-металлургия комбинати шонли ўтмишига эга. Келинг, шу ўринда ҳаммаси қандай бошланганини эслаб ўтсак?

– Қизилқум саҳросининг тупроғи фойдали қазилмаларга бой эканлиги қадим замонлардан буён маълум эди, фақатгина XX асрнинг ўрталарида ушбу ҳудудда фойдали қазилмаларни қидириш ва қазиб чиқариш бўйича кенг кўламли ишлар бошланди. 1952 йилда

Ўзбекистон геологлари томонидан топилган йирик уран кони қадимий карвон йўлининг учта қудуғи яқинида жойлашган ва шу туфайли у Учқудуқ деб ном олган. Фойдали қазилмаларни излаб топиш ва тоғ-кон тармоғининг ривожланишида Х.Т. Тўлаганов ва И.Х. Ҳамрбоев каби таниқли ўзбек геологларининг ҳиссаси катта. Учқудуқда топилган уран захираларини қайта ишлаш бўйича 1958 йилда ўтказилган тадқиқотлар натижасида Навоий кон-металлургия комбинати ташкил этилди. Энг йирик олтин кони – «Мурунгов» аниқланди ва у аср кашфиёти бўлди. Шундай қилиб, 1958 йилда уран қазиб чиқариш ишлари бошланди. 1963 йилдан бошлаб Учқудуқда комбинат мутахассислари томонидан ишлаб чиқилган уранни ер остида танлаб эритиш усули билан ажратиб олиш технологияси жорий этилди ва 1995 йилдан бошлаб шу усул билан қазиб чиқаришга тўлиқ ўтилди. 1964 йилда 1-гидрометаллургия заводи ишга туширилди ва ураннинг чала оксидини саноат йўли билан ишлаб чиқариш бошланди. Изчил равишда автомобиль йўллари ва темир йўллар, комбинатнинг қўшимча бўлинмалари қурилди, саҳрода Учқудуқ, Зарафшон, Навоий, Зафаробод шаҳарлари қад кўтарди, сув ўтказиш иншоотлари қурилди. 1969 йилда 2-ГМЗда 11,82 килограмм оғирликдаги биринчи олтин ёмби олинди. Мухтасар қилиб айтганда, НКМК узун ва қизиқарли тарихга эга.

2020 йил якунларига кўра комбинат бўйича маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми 49,2 трлн. сўмни ташкил этди ва прогноз 105,3 фоизга бажарилди. Шу билан бирга, олтин ишлаб чиқаришнинг прогноз ҳажми 4 тоннага, 2019 йилга нисбатан эса 5,1 тоннага ошди

– Бугунги кунда комбинат фаолиятининг кўлами қандай?

– НКМК юртимиз инновацион кон-металлургия кластерининг ўзаги ҳисобланади. Бу, ер остидаги захираларни разведка қилиш, руда қазиб чиқариш ва уни қайта ишлашдан тортиб то уран чала оксиди ва юқори пробали тайёр олтин ёмбиларини олишгача бўлган тўлиқ ишлаб чиқариш циклини ўзлаштирган ягона кон қазиб чиқариш корхонасидир. Инновацион кластер республиканинг бешта вилояти – Навоий, Самарқанд, Хоразм, Жиззах, Сурхондарё ва Қорақалпоғистон Республикаси ҳудудида жойлашган. У саноат, илмий-ишлаб чиқариш ва таълим кластерларининг

фаолиятини бирлаштириб, билим ва технологияларни интеграциялашнинг янги шакллари амалга ошириш, илғор илмий-технологик йўналишларни яратиш, таълим ва илм-фан қўллаб-қувватлаш учун асос яратди.

НКМК таркибига бешта асосий кон-бошқармаси киради ва уларнинг негизида Навоий, Учқудуқ, Зарафшон, Зафаробод, Нуробод ва Заркент шаҳарлари қурилган. Комбинат таркибига кирувчи бешта кон бошқармаси ичида энг йириги – Марказий кон бошқармаси бўлиб, унда асосий ва ёрдамчи ишлаб чиқаришларнинг 30 тага яқин бўлинмаси: 2-гидрометаллургия заводи, «Мурунгов» кони, «Аминзо-Амантой» кони, автомобиль ва темир йўл транспорти бошқармалари ва бошқалар ўз ишлаб чиқариш фаолиятини амалга оширади. 2-гидрометаллургия заводи таркибида олтин мавжуд бўлган рудани қайта ишлаш ва аффинаж олтин ишлаб чиқариш бўйича дунёдаги энг йирик корхоналардан бири ҳисобланади. Рудани қайта ишлаш яқин келажакда йилига 50 млн. тоннага етказиш режалаштирилган. Ишлаб чиқарилган маҳсулотлар Лондон қимматбаҳо металллар бозори ассоциациясининг стандартига мос келади.

НКМК мутахассислари томонидан тоғ массасини автомобиль, конвейер ва темир йўл транспортида ташиш борасида катта тажриба тўпланган. Тош жинслари ва рудаларни кўчириш ҳажми бўйича «Мурунгов»

кони дунёда етакчи ўринлардан бирини эгаллайди. 2011 йилдан бошлаб бу ерда дунёда аналоглари мавжуд бўлмаган тоғ массасининг 270 метрга кўтариш баландлигига эга бўлган тик – қияли (37°) конвейер (КНК) ЦПТ-руда комплекси муваффақиятли қўлланилмоқда.

Қуввати ва аҳамияти бўйича иккинчи ўринда Шимолий кон бошқармаси туради. Чунки, юқорида айтганимдек, айнан шу ерда 1958 йилда Марказий Қизилқум ер қаърини ўзлаштириш бошланган. Бугунги кунда Шимолий кон бошқармаси ривожланган инфратузилмага эга бўлиб, олтин ва таркибида уран мавжуд бўлган рудаларни қазиб чиқариш ва қайта ишлашни ва бошқа фаолиятни амалга оширмоқда. Ушбу кон

бошқармаси таркибидаги 3-гидрометаллургия заводи чидамли олтин-сульфидли рудаларни технологиялар мажмуидан фойдаланган ҳолда қайта ишлаш бўйича дунёдаги энг йирик заводлардан бири ҳисобланади. Бу ерда «Кўкпатас» ва «Довғиз» конларининг рудалари қайта ишланади.

Жанубий кон бошқармаси хом ашёни қайта ишлаш ҳажми бўйича учинчи ўринда бўлиб, унинг таркибига таркибида олтин мавжуд бўлган рудаларини қазиб чиқариш ва қайта ишлаш конлари, уранни ер остида танлаб эритиш участкалари, поливинилхлорид ва полиэтилен маҳсулотларини ишлаб чиқариш киради. «Зармитан», «Ғужумсой» ва «Маржонбулоқ» конлари-



нинг ишга туширилиши туфайли Зармитан олтин-руда зонасининг ривожланиши жадал суръатларда давом этмоқда. Ушбу руда зонаси базасида 4-гидрометаллургия заводи муваффақиятли ишлаб турибди, бу ерда рудани интенсив гравитациялаш ва таркибида олтин мавжуд бўлган концентратни интенсив ишқорлаш технологиясидан фойдаланган ҳолда қайта ишлаш амалга оширилади. «Маржонбулоқ» конида гравитацион-флотацион-куйдириш схемаси бўйича чидамли сульфидли рудаларни қайта ишлаш линияси фаолият кўрсатмоқда.

5-кон бошқармаси уран қазиб чиқариш бўйича энг йирик корхона ҳисобланиб, у урanni ер остида танлаб эритиш геотехнологик конларининг тўрттасини ўз ичига олади. 1-ГМЗ мавжуд технологик қайта тақсимлаш бўлимларининг техник қайта жиҳозланиши ва реконструкция қилиниши туфайли қисқа вақт ичида «Қорақўтон» ва «Аристантов» конларининг таркибида олтин мавжуд бўлган рудаларини қайта ишлаш ҳажми 1,5 баробарга ошди. Бундан ташқари, бу ерда ураннын аффинаж тоза чала оксиди ва оксидини ишлаб чиқариш бўйича дунёдаги энг йирик заводлардан бири ишлаб турибди.


НКМК таркибида Зарафшон қурилиш бошқармаси алоҳида ўрин тутати. Комбинат бўлинмаларидаги барча қурилиш-монтаж ва таъмирлаш ишлари моҳир қурувчилар томонидан амалга оширилади. Улар ҳозирга

қадар Қизилқум бағрида кўркам шаҳарларни, ўнлаб саноат корхоналари, ижтимоий-маиший ва маданий иншоотларни қуриб фойдаланишга топширганлар.

– **Ўзбекистон мустақилликка эришгач, НКМК янада ривожланиш учун янги имкониятларга эга бўлди? Олтин ишлаб чиқаришни кўпайтириш учун нималар қилинди ва келажак режалари қандай?**

– Мустақиллик йилларида комбинатдаги юқори малакали ходимларнинг саъй-ҳаракатлари, шунингдек, унинг бўлинмаларини техник қайта жиҳозлаш бўйича илмий асосланган стратегиянинг амалга оширилиши натижасида рудани қазиб чиқариш ва қайта ишлаш ҳажми ошди, маҳсулот сифати яхшиланди ва экспорт ҳажми кўпайди. Ўтган ўн йил мобайнида комбинатда илғор технологиялар билан жиҳозланган, ташқи бозорда рақобатбардош ва халқаро стандартларга жавоб берадиган маҳсулотлар ишлаб чиқарувчи янги корхоналар бунёд этилгани алоҳида эътиборга лойиқ.

Жумладан, 1995 йилда Учқудуқда 3-гидрометаллургия заводи фойдаланишга топширилди. 2002 йилда эмульсион портловчи моддалар ишлаб чиқариш заводи ишга туширилди. 2010 йилда Зармитанда 11 ойлик рекорд даражадаги қисқа муддатларда қурилган 4-ГМЗ ишга туширилди. 2011 йилда «Мурунгов» конида тик – қияли конвейер фойдаланишга топширилди. Юқорида айтилганларнинг барчаси бажарилган ишларнинг кичик бир қисмидир.



Комбинатнинг катта иқтисодий салоҳияти, ходимларнинг юқори малакаси ва илмий асосланган техник қайта жиҳозлаш стратегиясининг рўёбга чиқарилиши НКМК ишининг самарадорлигини ошириш имконини берди: мустақиллик йилларида тоғ массасини чиқариш ҳажми 5 марта, рудани қайта ишлаш ҳажми 3 марта, маҳсулот ишлаб чиқариш кўлами ва ходимлар сони 2 марта ошди.

– Мамлакат ҳудудларининг ижтимоий-иқтисодий аҳволини яхшилашда комбинатда амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотлар ва муҳим инвестиция дастурларининг ўрни қандай?

– Маълумки, давлатимиз раҳбари томонидан 2026 йилгача комбинатда 3,4 млрд. доллар қийматдаги қимматбаҳо металллар ишлаб чиқаришни кўпайтириш дастури тасдиқланган. Охириги тўрт йил давомида белгиланган режага мувофиқ жадал суръатларда амалга оширилаётган мазкур дастур бўйича 27 та йирик инвестиция лойиҳасининг амалга оширилиши, ишлаб чиқариш ҳажмини 30 фоизга кўпайтириш ва 30 мингдан ортиқ иш ўрни яратиш имконини беради. Бугунги кунга келиб дастур бўйича 1,7 млрд. доллар ўзлаштирилиб, 10 та объект фойдаланишга топширилди, натижада олтин ишлаб чиқариш ҳажми 10 фоизга, кумуш ишлаб чиқариш ҳажми эса 45 фоизга ошди. Ушбу дастур доирасида «Ауминзо-Амантой» кони негизда 5-гидрометаллургия заводининг қурилиши қизғин давом этмоқда. Яқин ойларда 2 млн. тонна рудани қайта ишлаш бўйича 5-ГМЗнинг биринчи навбатини ишга тушириш режалаштирилган, 2022 йилда унинг иккинчи навбати фаолиятини бошлайди. Бу эса завод-

ни йилига 5 млн. тонна рудани қайта ишлаш лойиҳа қувватига чиқариш имконини беради. Заводнинг қурилиши республика иқтисодиёти учун стратегик аҳамиятга эга бўлган ер ости фойдали қазилмаларини кенг миқёсда ўзлаштиришга йўл очади. 2022 йилгача «Ауминзо-Амантой» конининг негизда босқичма-босқич 30 дан ортиқ руда конларини очиш режалаштирилган.

Бугунги кунга келиб, лойиҳа доирасида 219,3 млн. доллар капитал қўйилмалар ўзлаштирилди. Заводнинг биринчи навбатини қуриш, шу билан бирга газ, электр ва водопровод тармоқлари, 18 км узунликдаги темир йўллари қурилиши ниҳоясига етказилмоқда. 108 млн. долларга 191 та замонавий кон техникаси ва бошқа ускуналар харид қилинди. Дастурда назарда тутилганидек, қиздириш технологияси ва сульфат кислота ўрнига янги кислородли-оҳакли ишлов бериш технологиясидан фойдаланиш 31 млн. долларни тежашга замин яратади.

Лойиҳада ишлаб чиқариш билан бир қаторда, минтақанинг ижтимоий инфратузилмасини ривожлантириш ҳам кўзда тутилган. Қизилқум чўлининг қоқ марказида 9 гектар майдонда ишчилар учун 4 та турар жой, зарур шарт-шароитларга эга бўлган 14 та ётоқхона, савдо ва умумий овқатланиш, маиший хизмат кўрсатиш объектларини ўзида мужассам этган Ишчилар шаҳарчаси бунёд этилди.

«Олтинни уюмда ишқорлаш цехи техноген чиқиндиларини қайта ишлаш мажмуасини қуриш (7-ГМЗ)» лойиҳасида йилига 15 млн. тонна ҳажмда техноген чиқиндиларини қайта ишлаш ва 1,2 мингдан ортиқ ян-

ги иш ўринлари яратиш назарда тутилган. Бугунги кунда йилига 10 млн. тонна техноген чиқиндиларни қайта ишлаш қувватига эга бўлган тўртта тегирмон блоки муддатидан олдин фойдаланишга топширилди. Жорий йилда мажмуанинг тўлиқ ишга туширилиши билан чиқиндилардан йилига 7,5 тонна олтин ишлаб чиқариш таъминланади. Ушбу ташаббуснинг ўзига хос хусусияти шундан иборатки, зич ҳолатда ишқор билан ювиш техноген чиқиндиларини қайта ишлаш жаҳон амалиётида биринчи марта қўлланилмоқда, ҳажми ва технологик усуллари бўйича аналоглари мавжуд эмас.

«2-гидрометаллургия заводининг қайта ишлаш қувватларини кенгайтириш (1-2 босқичлари)» лойиҳасининг амалга оширилиши 2-ГМЗнинг ишлаб чиқариш қувватини 50 млн. тоннагача ошириш имконини беради.

Комбинатнинг катта иқтисодий салоҳияти, ходимларнинг юқори малакаси ва илмий асосланган техник қайта жиҳозлаш стратегиясининг рўёбга чиқарилиши НКМК ишининг самарадорлигини ошириш имконини берди

Юқорида қайд этилган инвестиция лойиҳалари, табиийки, тегишли ҳудудлар иқтисодиётининг турли соҳаларига дахл қилади. Курилаётган саноат объеклари минтақаларнинг ишлаб чиқариш, транспорт ва ижтимоий инфратузилмасини ривожлантиришга ижобий таъсир кўрсатади ва одатда катта ҳажмдаги меҳнат ресурсларини талаб қилади. Бу эса маҳаллий аҳолининг турмуши ва бандлиги даражасига таъсир қилмасдан қолмайди. Яна бир муҳим жиҳат – солиқ тушумларининг кўпайиши орқали минтақаларнинг маҳаллий бюджетлари мустаҳкамланади.

– **Ҳозирги шароитда мамлакатнинг жаҳон иқтисодиётидаги ўрни ва роли кўп жиҳатдан унинг илмий-техник тараққиёти даражаси, фан ва техниканинг илғор ютуқларини ишлаб чиқаришга жорий этиши ва интеллектуал салоҳиятдан самарали фойдаланиш қobiliяти билан белгиланади. Жадал ривожланаётган саноат тармоқлари асрида жаҳон тенденцияларидан ортда қолмаслик муҳим аҳамиятга эга. НКМК томонидан ушбу йўналишда қандай қадамлар қўйилмоқда?**

– НКМК ўз бўлинмаларида янги технологиялар, инновацион ечимлар ва лойиҳаларни узлуксиз тарзда жорий этиб, мавжуд қувватларни модернизация қилган ҳолда замон билан барабар қадам ташламоқда. Барча

йирик бўлинмаларда инновацион технологиялар хизматлари шакллантирилган. Марказий илмий-тадқиқот лабораторияси ишлаб турибди. Рудалар ва технологияларни, тайёр маҳсулот сифатини таҳлил қилиш учун юзлаб методикалар айнан шу ерда ишлаб чиқилган бўлиб, уларнинг самарадорлиги мамлакат давлат стандарти сертификати билан тасдиқланган. Комбинатда жорий этилган кўплаб инновациялар НКМКнинг таркибий бўлинмаларида ишлаётган олим ва мутахассислар томонидан яратилган. Улар орасида 8 нафар фан доктори ва 25 нафар фан номзоди мавжуд.

Комбинат «ВНИПИПромтехнология» АЖ (Москва, Россия), «РУСРЕДМЕТ» (Санкт-Петербург, Россия), «РИВС» АЖ, «ВНИМИ» АЖ (Урал филиали, Россия), «Иргиредмет» АЖ (Россия), Integra-Group (АҚШ), «Интегра РУ» МЧЖ (Россия), «ENGINEERING DOBERSEK

GmbH» инжиниринг фирмаси (Германия) каби етакчи хорижий ташкилотлар билан муваффақиятли ҳамкорлик қилиб келмоқда. Комбинат мутахассислари ихтиролари учун доимий равишда Ўзбекистон, Россия, Украина, Германия ва Швейцария давлатларининг патентларини қўлга киритиб келяпти. 2017 йилда мамлакатимиз кон-металлургия саноати тарихида биринчи марта «Таркибида олтин бўлган, қайта ишланиши қийин сульфидли маъданлардан олтин ажратиш олиш усули» ихтиросини ишлаб чиқиб, жорий этганлик учун НКМК ходимлари

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ҳузуридаги Жаҳон интеллектуал мулк ташкилоти (ЖИМТ)нинг «Ихтирочилик учун» олтин медали билан тақдирланди.

– **Қувондиқ Санақулович, НКМКнинг замонавий жаҳон иқтисодиётидаги ўрни ва мавқеи ҳақида фикрингиз қандай?**

– Дастлаб шуни қайд этишимиз лозимки, геология-қидирув маълумотларига кўра Ўзбекистон энг йирик қидириб топилган ва тасдиқланган олтин захираларига эга мамлакатлар бешлигидан жой олган. Бугунги кунда НКМК хомашё ресурсларининг ҳажми бўйича жаҳон олтин ишлаб чиқарувчилари орасида 3-ўринни, олтин ишлаб чиқариш бўйича эса 8-ўринни эгаллаб турибди. НКМК олтин ишлаб чиқаришининг йиллик ҳажми ижобий ўсиш тенденциясига эга. Ва биз олтин ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш бўйича юқорида санаб ўтилган лойиҳалар НКМКнинг олтин ишлаб чиқариш ҳажми бўйича жаҳон етакчилари бешлигидан жой олишини таъминлайди, деб умид қиламиз.

Бундан ташқари ҳозирги вақтда НКМК мамлакатдаги уран қазиб чиқарувчи ва уран чала оксиди-оксиди кўринишидаги тайёр маҳсулотларни экспорт қилувчи ягона корхона ҳисобланади. Бугунги кунга келиб Ўзбекистонда 38 та уран кони мавжуд бўлиб, уларнинг 34 таси қумтош ва 4 таси қора сланец турига киради. Ўзбе-

кистон уран ишлаб чиқариш бўйича дунёда 5-ўринда туради. Шунинг хисобга олган ҳолда, комбинат дунёдаги энг йирик уран ишлаб чиқарувчилари сафидан жой олган, деб ишонч билан айтиш мумкин. Ушбу кўрсаткичлар, кўриб турганингиздек, НКМКнинг жаҳон иқтисодиётида муносиб ўрин эгаллашидан далолат бериб турибди.

– **НКМК каби замонавий корхонада замонавий ахборот-коммуникация технологияларининг кенг жорий этилиши долзарб аҳамият касб этади. Комбинатнинг sanoat объектларида бу борада нима ишлар қилинди?**

– Комбинатимиз миқёсида нафақат замонавий ахборот-коммуникация технологияларининг жорий этилиши, балки ишлаб чиқаришнинг автоматлаштирилиши ҳам муҳим аҳамиятга эга. Гидрометаллургия заводларининг ишлаб чиқариш участкаларида замонавий комплекс автоматлаштирилган бошқарув тизими негизида интеллектуал тизимлар жорий этилмоқда. Ушбу тизим барча босқичларда технологик жараёнларнинг рақамли бошқарилишини таъминлайди ва авариялар, тўхтаб туришлар, эскиришларнинг бартараф этилишини, таъмирлаш ишларининг зарурлигини белгилаб ва бу билан самарадорликни оширган ҳолда юз бераётган ўзгаришларга тезкор муносабат билдириш учун объектив маълумотларни тақдим этади. Очиқ олтин конларида йўлдош мониторинг тизими негизида оғир юк ташувчи самосваллар ва экскаваторлар ишини мониторинг қилиш тизими жорий этилган.

Бугунги кунда НКМКда 58,8 минг нафардан ортиқ киши меҳнат қилмоқда. Бу мамлакатдаги энг кўп сонли меҳнат жамоасидир. Уларнинг иши осон эмас. Шу боис нафақат меҳнаткашларимизни, балки уларнинг оила аъзоларини ҳам ижтимоий ҳимоялашга катта эътибор қаратилмоқда

– **Комбинатингиз каби йирик ва мураккаб sanoat объектининг муваффақиятли фаолияти беvosита корхонанинг кадрлар сиёсатида боғлиқ. Замон талабларига жавоб берадиган кадрлар – юқори малакали мутахассислар ва ишчиларни тайёрлаш зарур. Ушбу масала қандай ҳал этилмоқда?**

– Бизда кон-металлургия тармоғи корхоналарини барқарор ривожлантириш ва улар томонидан ишлаб чиқариладиган маҳсулот ҳажмини ошириш бўйича

биринчи даражали вазибаларни бажаришга қодир бўлган зарур муҳандис-техник ва ишчи кадрларни тайёрлаш йўлга қўйилган. Ёш мутахассислар ва юқори малакали ходимларни тайёрлаш комбинатнинг 6 та ўқув марказида олиб борилади. Корхоналарни бошқаришда муҳим вазибаларни бажариш замонавий ва креатив фикрловчи, турли вазиятларда қарор қабул қилиш ва масъулиятни ўз зиммасига олишга қодир бўлган, шижоатли ва жасур, билимли ва ватанпарвар ёш кадрларга ишониб топширилган.

Навоий давлат кончилик институти комбинатни мутахассислар билан таъминловчи асосий олий ўқув юртларидан бири ҳисобланади. Институтда 28 нафар фан доктори ва 66 нафар фан номзоди талабаларга махсус фанлар ва корхоналаримизда ишлаш учун талаб этилган йўналишлар бўйича таҳсил бермоқда.

– **НКМК корхоналарида 60 мингга яқин одамлар меҳнат қилмоқда. Маълумки, уларни нафақат корхонанинг барқарорлиги, балки ижтимоий кафолатларнинг кенг доираси ҳам жалб этади. Шу ҳақида батафсилроқ сўзлаб берсангиз.**

– Бугунги кунда НКМКда 58,8 минг нафардан ортиқ киши меҳнат қилмоқда. Бу мамлакатдаги энг кўп сонли меҳнат жамоасидир. Уларнинг иши осон эмас. Шу боис, нафақат меҳнаткашларимизни, балки уларнинг оила аъзоларини ҳам ижтимоий ҳимоялашга катта эътибор қаратилади. Ходимлар билан бир қаторда, комбинат пенсионерларининг ҳам барча ҳаётий масалаларини ҳисобга олган Жамоа шартномамиз кўплаб ижтимоий кафолатларни тақдим этади. Ушбу тоифа шахслари учун кўплаб йиллардан буён амал қилиб турган ижтимоий пакетга йиллик моддий ёрдам, имтиёзли тиббий хизмат кўрсатиш ва санаторий-курортда даволаниш кабилар киради. Умумхалқ байрамлари арафасида ёлғиз пенсионерлар, уруш ва меҳнат фахрийларига ҳар томонлама ижтимоий ёрдам кўрсатилади.

Зарарли меҳнат шароитида ишлайдиган ишчилар учун даволаш-профилактика озик-овқатлари назарда тутилган. Комбинатнинг тиббиёти комбинат шахарларида жойлашган 200 минг кишига хизмат кўрсатадиган 5 та йирик тиббий-санитария муассасасини бирлаштирган тиббий-санитария бўлими сифатида шакллантирилган.

Комбинат маъмурияти ва Касаба уюмаси кенгаши томонидан ишчиларга «Металлург», «Кончи» ва «НКМК» сўхатгоҳларида, «Тўдакўл» дам олиш базасида, «Зарафшон» пансионати ва бошқа санаторияларида тўлақонли соғломлаштириш тартибида дам олиш имконияти тақдим этилган. Уларда ҳар йили 11,9 мингдан зиёд киши ўз соғлигини тиклайди. Ҳар йили ёзда шахар ташқарисидаги ва шахардаги оромгоҳлар 10,8 минг нафардан ортиқ болани ўз бағрига олади. Корхонанинг барча оромгоҳларида Навоий



вилоятидаги «Меҳрибонлик уйи» ва «Шодлик» болалар уйи тарбияланувчилари комбинат ҳисобидан ҳар йили дам олмоқда. НКМК Томди, Нурота, Зарафшон, Учқудуқ, Конимех туманларининг чекка чўл ҳудудларидаги кам таъминланган оилалар фарзандларига ҳам ёзги соғломлаштириш оромгоҳларига йўланмалар ажратади.

НКМК раҳбарияти томонидан комбинат ишчилари ва уларнинг оила аъзолари ўртасида жисмоний тарбия ва спортни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилади, тегишли спорт мажмуалари билан таъминланган жисмоний тарбия-соғломлаштириш клубларининг самарали тизими ишлаб турибди.

– **2020 йили пандемия ва бошқа офатлар туфайли кўплаб саноат тармоқлари ҳамда корхоналар учун қийин бўлди. НКМК жамоаси бу синовларни қандай енгиб ўтди?**

– Бўлинмаларда инфекция тарқалишининг олдини олиш учун барча чораларни кўрдик. Эътироф этиш жоизки, 2020 йил халқимиз учун ҳам, комбинатимиз ва иқтисодиётнинг бошқа тармоқлари учун ҳам кўплаб мураккаб синовларни олиб келди. Ушбу синовларни меҳнат жамоамиз билан биргаликда муваффақиятли енгиб, биз ишлаб чиқаришнинг бир маромда ишлашини таъминладик ва белгиланган режаларни ортиғи билан бажардик. Коронавирус пандемияси хавфи сақланиб қолаётганига қарамай, барча бўлинмаларимизда ишлаб чиқариш юқори суръатларда давом этмоқда.

Ўтган йил чиндан ҳам синовларга бой бўлди. Аммо комбинатимизда ҳамма вақт қийин дақиқада ёрдам беришдек олижаноб иш устун бўлган ва шундай бўлиб

қолади. «Меҳр-шафқат ва саломатлик» жамоат фонди, «Саховат ва кўмак» умуммиллий ҳаракатини минглаб ишчилар ихтиёрий равишда қўллаб-қувватлади. Корхона ташаббуси билан техноген фожеа ва табиий офатлардан зарар кўрган юртдошларимизга озиқ-овқат, кўрпа-тўшак ва бошқа асосий зарур буюмлар топширилди. «Саховат ва кўмак» умуммиллий ҳаракат доирасида Навоий, Самарқанд, Жиззах, Сурхондарё вилоятлари ва Қорақалпоғистон Республикасида яшовчи кўп болали оилалар, имконияти чекланган одамлар ва ёлғиз кексаларга 16 турдаги озиқ-овқат тўпламлари топширилди.

Касаба уюшмаси пандемия даврида кам таъминланган, ижтимоий ҳимояга муҳтож ходимларни, Зарафшондаги баҳорги сел ёмғирларидан зарар кўрган маҳалларда яшовчи ишчиларни молиявий қўллаб-қувватлаш жамғармасини таъсис этди.

Бошланган 2021 йилда ҳам вазифаларимиз кўп – биз бошлаган лойиҳаларимизни ниҳоясига етказиб, янгиларини бажаришга киришамиз. Навоий кон-металлургия комбинати дадил қадамлар билан янги корхоналарни қуриш ва ишлаб турганларини модернизация қилиш, маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш, шунингдек, аҳоли бандлигини таъминлаш учун иш ўринлари яратишни кўзда тутувчи тараққиёт йўлидан боришни давом эттирмоқда.

– **Қувондиқ Санақулович, кўриб турибмизки, НКМК барқарор корхона ва мамлакат иқтисодиётини мустаҳкамлашнинг ишончли кафолати бўлиб қолмоқда. Самимий суҳбатингиз учун миннатдоримиз.**

НАВОИЙ КОН-МЕТАЛЛУРГИЯ КОМБИНАТИ

Ишлаб чиқариш-молиявий кўрсаткичлар

ИНФОГРАФИКА

МУСТАҚИЛЛИК ЙИЛЛАРИДА КОМБИНАТ ТОМОНИДАН:

Тоғ массасини қазиб
чиқариш ҳажми

5 марта

Рудани қайта
ишлаш ҳажми

3 марта

Маҳсулот ишлаб
чиқариш ҳажми

2 марта


Ходимлар сони
қарийиб

2 марта

ОШИРИЛДИ

2020 йилда комбинат томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулот қиймати хорижий валюта эквивалентида **4,9 млрд. долларни** ташкил қилди, бу эса мамлакат ЯИМнинг **10 фоизига** яқини демакдир.

2020 йилда ЭНГ Кўп солиқ тушумларини амалга оширган солиқ тўловчилар ўнлиги (% ҳисобида).



- «Навоий КМК» ДК – 50
- «Олмалиқ КМК» АЖ – 20
- «Ўзтрансгаз» АЖ – 8
- «Ўзбекнефтегаз» АЖ – 7
- «ЎЗБАТ» ҚК АЖ – 4
- «ЎзАвтоМоторс» АЖ – 3
- «Лукойл» АЖ – 3
- «Худудгазтаъминот» АЖ – 2
- «Ўзбектелеком» АЖ – 2
- «БНҚИЗ» АЖ – 1


НКМК



Ўзбекистон солиқ тўловчилари ўнлигида
етақчилик қилмоқда – унинг давлат
бюджетини шакллантиришдаги улуши
23,4 фоизни ташкил қилади.
2020 йилда солиқ тўловлари
31,2 трлн. сўмни
ташкил қилди.

2020 йилда ушбу 10 та корхонанинг улушига асосий солиқ
тўловчилар умумий солиқ тушумларининг 63,3 фоизи тўғри келди.


2021 йилда йирик солиқ тўловчиларнинг ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ БЮДЖЕТИНИ ШАКЛЛАНТИРИШДАГИ УЛУШИ (% ҳисобида)



- | | |
|-------------------------|-------------------------------------|
| «Навоий КМК» ДК – 20,1 | «Юнител» МЧЖ ҚК – 0,5 |
| «Олмалиқ КМК» АЖ – 6,4 | «Қизилқумцемент» АЖ – 0,5 |
| «Ўзбекнефтгаз» АЖ – 5,1 | «ЎзКорГаз» МЧЖ – 0,4 |
| «Ўзтрансгаз» АЖ – 3,3 | «ШГКК» АЖ – 0,3 |
| «Лукойл» АЖ – 3,1 | «Тошкентвино Комбинати» ХК АЖ – 0,3 |
| «Ўзбекэнерго» АЖ – 2,3 | «Ўзбекистон темир йўллари» АЖ – 0,2 |
| «ЎЗБАТ» ҚК АЖ – 1,7 | «UMS» МЧЖ – 0,2 |
| «Ўзавтомоторс» АЖ – 1,5 | «Тошкенттамаки» МЧЖ – 0,2 |
| «Ўзбектелеком» АЖ – 0,5 | «Оҳангаронцемент» АЖ – 0,1 |
| «Coscom» МЧЖ ҚК – 0,5 | «Ўзметкомбинат» АЖ – 0,1 |


2019 йилда ЖАҲОҲНИНГ 10 ТА ЙИРИК ОЛТИН ИШЛАБ ЧИҚАРУВЧИ КОМПАНИЯСИ

(Жаҳон олтин қазиб чиқаришидаги улуш, %)



ЖАҲОҲНИНГ ЕТАКЧИ КОМПАНИЯЛАРИДА ОЛТИН ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ТАНАРХИ

(тройск унцияси учун доллар)



2019 йилда ЖАҲОҲНИНГ 10 ТА ЙИРИК УРАН ИШЛАБ ЧИҚАРУВЧИ КОМПАНИЯСИ

(Жаҳон уран ишлаб чиқаришидаги улуш, %)



ЖАҲОН МАМЛАКАТЛАРИ БЎЙИЧА ОЛТИН ЗАХИРАСИ ТОННА ҲИСОБИДА

АҚШ	8133	Туркия	507
Германия	3368	Тайвань	424
Италия	2452	Португалия	382
Франция	2436	Қозоғистон	378
Россия	2242	Ўзбекистон	325
Хитой	1948	Саудия Арабистони	323
Швейцария	1940	Буюк Британия	310
Япония	765	Испания	282
Ҳиндистон	618	Австрия	280
Нидерландия	612	Ливан	269

"Мурунтов"

кони - жаҳонда етакчи олтин қазиб олиш бўйича



ўринда

НКМК

жаҳон олтин ишлаб чиқарувчилари орасида хомашё ресурслари бўйича жаҳонда



ўринда

НКМК

Ўзбекистонда табиий ураннын ягона ишлаб чиқарувчиси ҳисобланади ва жаҳонда уран ишлаб чиқариш бўйича



ўринда

МАТОНАТЛИ МЕҲНАТ МАҲСУЛИ

Нурмат ДЖУЛИБЕКОВ,

Навоий кон-металлургия комбинати Бош директори ўринбосари

Дунёда давом этаётган мурракб геосиёсий жараёнлар, коронавирус пандемияси ва глобал иқтисодий инқироз шароитига қарамасдан, давлатимиз раҳбари ташаббускорлигида Янги Ўзбекистонда Учинчи Ренессанс пойдеворини яратишдек эзгу мақсад йўлида салмоқли ишлар олиб борилмоқда. Бу борада аниқ стратегия ва режалар мавжуд бўлиб, яқинда Президентимиз томонидан Олий Мажлисга йўлланган Мурожаатномада ҳам айтилган

салага алоҳида эътибор қаратилди.

Давлат ва жамият тараққиёти энг аввало, иқтисодий юксалишни талаб этади. Қувонарлиси, Ўзбекистон иқтисодий жиҳатдан ҳам улкан салоҳиятга эга ва мазкур йўналишда олиб борилаётган ислохотлар мамлакат барқарорлиги, халқимиз турмуш фаровонлигининг муҳим кафолати бўлиб хизмат қилмоқда.

Миллий иқтисодиётимизда кон-металлургия саноати истиқболли, катта даромад билан таъминлайдиган ҳамда бой минерал хомашё ба-

засига эга етакчи тармоқлардан бири ҳисобланади. Олтин, уран, мис, вольфрам, калий тузлари, фосфоритлар, каолин ва бошқа кўплаб муҳим фойдали қазилмалар бўйича Ўзбекистон аниқланган захиралар ва уларнинг ўсиш истиқболлари бўйича дунё мамлакатлари орасида етакчи ўринни эгаллайди. Навоий кон-металлургия комбинати эса бу соҳада юртимизнинг етакчи қувватларидан экани барчага кундай аён.

Ҳозирги кунда комбинат жадал ривожланаётган ва мамлакат ялпи





ички маҳсулотида (ЯИМ) ҳамда республиканинг давлат бюджетини шакллантиришда салмоқли улуш қўшиб келаётган субъектлардандир. Биргина 2020 йилда корхона томонидан ишлаб чиқарилган жами маҳсулотларнинг хорижий валютадаги қиймати салкам 5 млрд. долларга тенг бўлиб, республика ЯИМнинг 8,6 фоизини, саноат маҳсулотларининг 14 фоизини ташкил этди. Комбинат мамлакатимизнинг энг йирик солиқ тўловчиси ҳисобланиб, ўтган йилда давлат бюджетига қарийб 32 трлн. сўм тўловларни амалга оширди. Бу республика бюджети даромадининг 23 фоизига тўғри келади.

Инсониятни бир муддат қарахт аҳволга солган коронавирус пандемия

и шароитида ҳам НКМК ишни тўғри ташкил этиш ҳисобига ишлаб чиқариш ва ўсиш суръатларини сақлаб қолиш, белгиланган режаларни ортиғи билан бажаришга эришди. Корхона жамоаси қайсидир маънода чинакам матонати ва ҳамжиҳатлигини намоён этди. Бунинг самараси ўлароқ ўтган йилда маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми 49,2 трлн. сўмга етиб, режа 105,3 фоизга бажарилди. Олтин, кумуш, уран ишлаб чиқариш кўрсаткичлари ҳам сезиларли ошди.

Бугун мамлакатимиз олтин-валюта захирасининг барқарор ўсиб бораётганлигини кузатишимиз мумкин. Бунда жами олтин-валюта захирасининг 58 фоизини монетар олтин таш-

кил қилади. Ушбу олтинни ишлаб чиқаришда НКМКнинг ҳиссаси катталиги ҳам ҳақиқат.

Комбинат томонидан ишлаб чиқарилган олтиннинг дунё бозорида харидорғирлиги биринчи навбатда унинг юқори сифати билан изоҳланса, иккинчидан, маҳсулотнинг рақобатбардошлиги, яъни олтин таннархининг бошқа ишлаб чиқарувчилар таннаригига нисбатан арзонлигига боғлиқ. Бу тадбир комбинат меҳнат жамоаси томонидан эришилган яна бир ютуқ десак, муболаға бўлмайди. Жумладан, 2020 йилда бу борада 798,7 млрд. сўм иқтисод қилиниб, маҳсулот таннари 6,6 фоизга камайтирилди.

Комбинат сўнгги ўн йил давомида ишлаб чиқариш жараёнининг барча бўғинларида харажатларни оптималлаштириш бўйича самарали чора-тадбирларни амалга ошириб келмоқда. Ҳар йили комбинатда маҳсулот ишлаб чиқариш таннари ва энергия сарфини камайтириш, энергия самарадорлигини ошириш бўйича чора-тадбирлар белгиланиб, изчил рўёбга чиқарилмоқда. Бунга нафақат ёқилғи-энергетика ресурслари, ёнилғи мойлаш материаллари, хомашё ва материаллар сарфи устидан қатъий назоратни ўз ичига олган маъмурий чоралар, балки асосий ишлаб чиқариш воситалари ва карьер-

Бугун мамлакатимиз олтин-валюта захирасининг барқарор ўсиб бораётганлигини кузатишимиз мумкин. Бунда жами олтин-валюта захирасининг 58 фоизини монетар олтин ташкил қилади. Ушбу олтинни ишлаб чиқаришда НКМКнинг ҳиссаси катталиги ҳам ҳақиқат



ер техникаларини модернизация қилиш, ишлаб чиқариш жараёнларига инновацион технологиялар ва рационализаторлик ишланмаларини жорий этиш орқали эришилмоқда.

Ўзбек олтинининг таннархи дунёнинг энг йирик компанияларида ишлаб чиқарилаётган олтин таннархининг ўртача миқдоридан паст ҳисобланади. Хусусан, 2019 йилда олтин ишлаб чиқариш бўйича етакчи хорижий компаниялар ҳисобланган AngloGold (ЖАР) томонидан ишлаб чиқарилган 1 тройя унция олтиннинг таннархи 1031 доллар, Gold Fields (ЖАР) – 995 доллар, Kinross (Канада) – 983 доллар, Newmont Mining (АҚШ) – 975 доллар, Barrick Gold (Канада) – 894 доллар ва Newcrest (Австралия) – 783 долларни ташкил қилиб, улар бўйича ўртача олтин таннархи 887 долларга тенг бўлган бўлса, айнан НКМК томонидан ишлаб чиқарилган олтин таннархи 821 доллардан ошмади.

Маҳсулот таннархининг пасайиши ўз навбатида фаолиятнинг якуний молиявий натижаларига ижобий таъсир кўрсатади. Буни корхонанинг соф фойдаси 10,1 триллион сўмга етиб, ишлаб чиқаришнинг рентабеллик даражаси 41 фоиздан юқорилагани

мисолида ҳам кўриш мумкин. Давлат улуши сифатида қарийб 8 трлн. сўм дивиденд тўловлари амалга оширилди.

Албатта, бу шунчаки оддий рақамлар эмас. Унинг замирида комбинат жамоасининг фидокорона меҳнати мужассам.

Айтгандай, комбинат республикада фойдали қазилмалар захираларини кўпайтириш ва улардан оқилона фойдаланишни таъминлаш, ҳудудларда хомашё базасини яратиш мақсадида геология соҳаси эҳтиёжлари учун зарур бўлган мутахассисларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш бўйича Геология университетини очиш ҳамда унинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш тадбирлари учун 83 миллиард сўм миқдорида ҳомийлик ёрдами кўрсатди. Шунингдек, Президентимиз ташаббуслари билан илгари сурилган кимё ва биология фанлари бўйича таълим сифатини тубдан ошириш, умумтаълим мактабларида ушбу фанларни ўқитишнинг мутлақо янги тизимини қўллаш, соҳада илм-фан ва ишлаб чиқариш интеграциялашувини мустаҳкамлаш мақсадларини молиялаштиришга 2021-2024 йилларда 68 миллиард сўм

маблағ ажратишни мўлжалламоқда.

Муқим иш ўрнига эга бўлиш ҳар бир инсон учун келажак, даромад демакдир. Мана шундай имкониятга эга бўлган одамлар, ёшлар ҳаётдан, давлатдан рози бўлиши шубҳасиз. Шу маънода янги иш ўринлари яратиш, бу орқали аҳоли даромадларини ошириш ва яшаш шароитини яхшилашдек устувор йўналишда НКМК эришаётган ютуқлар ҳам залворли. Комбинатда 2017-2020 йилларда 8 минг 286 та иш ўрни яратилгани бунинг далилидир.

Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йилида ҳам бу борадаги ишлар давом этади: жорий йилда йигит-қизларимиз учун 3420 та иш ўрнини очиш кўзда тутилган.

Хуллас, корхонанинг кўп минг кишилик жамоаси яқдилликда янги марралар сари дадил интилмоқда. Жамоада ҳар томонлама шаклланган, ўз тақдирини мамлакат келажак билан чамбарчас боғлиқ эканини чуқур ҳис этган малакали кадрларнинг сафи кенг. Уларнинг замон талабларига мос билим ва тажрибаси, қатъий азму шижоатини кўриб, Навоий кон-металлургия комбинатининг ёрқин истиқболига асло шубҳа қилмайсиз.

21 марта

*С праздником
Набруз!*

*Дорогие
соотечественники!
Поздравляет вас с
праздником Набруз!
Желаем крепкого
здоровья, семейного
благополучия,
безоблачного счастья
и радости в каждом
новом дне.*



ENERGO RESURS

ИНВЕСТИЦИЯ – БАРҚАРОР РИВОЖЛАНИШНИНГ МУҲИМ КАФОЛАТИ

Фарҳод БАҲРОНОВ,

Навоий кон-металлургия комбинати Бош директори ўринбосари

Навоий кон-металлургия комбинатини ривожлантириш стратегияси олтин ва уран маъданларини қазиб олиш ва қайта ишлаш бўйича янги қувватларни барпо этиш

билан бир қаторда амалдаги кон ҳамда гидрометаллургия мажмуаларини кенгайтириш, реконструкция қилиш ва техник қайта жиҳозлаш билан боғлиқ йирик инвестиция лойиҳаларини амалга оширишга асосланган. Зотан, инвестиция ишлаб чиқаришнинг барқарор ўсишини таъминлашга имкон беради.

Инвестиция дастури бўйича гидрометаллургия заводларини қуриш, қимматбаҳо металлларнинг янги конларини очиш, ишлаб чиқариш қувватларини модернизация қилиш ва техник қайта жиҳозлаш, шунингдек, инновацион ва илм-фан, техника ютуқларининг илғор тажрибаларидан фойдаланган ҳолда жисмонан

эскирган технологик ускуналарни алмаштиришга йўналтирилган лойиҳалар кўзда тутилган. Мазкур лойиҳалар доирасида сўнгги ўн йилда фойдаланишга топширилган объектларнинг умумий сони 65 тани ташкил этди.

Таҳлиллар шуни кўрсатадики, 2015-2017 йилларда инвестиция маблағларининг 59 фоиздан 68 фоизгача бўлган қисми корхонанинг мавжуд қувватларини модернизациялаш ва реконструкция қилишга сарф этилган. 2026 йилгача қимматбаҳо металлларни ишлаб чиқаришни кўпайтириш бўйича Дастурни амалга оширишга киришилгани боис 2018 йилдан бошлаб комбинатнинг инвести-

ция сиёсатини молиялаштириш йўналишларида сезиларли ўзгаришлар юз бермоқда. Инвестиция маблағларининг умумий миқдорида янги қурилиш учун ажратилган маблағлар улуши устунлик қилмоқда. Бу шуни англатадики, комбинат қимматбаҳо металлнинг янги конларини ўзлаштириш, қазиб олиш ва ишлаб чиқариш бўйича янги қувватларни барпо этишни фаол равишда бошлади.

Марказий кон бошқармасида «Мурунтов» конини ўзлаштиришнинг V навбати комбинатнинг муҳим инвестиция лойиҳаларидан биридир. Ҳозирги вақтда коннинг шимолий қисмида (ён тарафида) захираларни очиш ва ишлов бериш ишлари олиб борилмоқда. 2021 йилда «Бесапантов», «Чуқурқудуқ», «Балпантов» ва «Томдибулоқ» конларининг захира-

лари билан ишлаш, маъдан қазиб чиқариш ҳажмини ошириш ва 2-гидрометаллургия заводида йилига 50 млн. тоннагача маъдан етказиш режалаштирилган. Бугунги кунда «Мурунтов» конининг узунлиги 4,3 км, кенлиги 3,2 км, чуқурлиги 600 м ни ташкил этади. Конни ўзлаштиришнинг V навбати доирасида қўлланилаётган кон-геологик ва кон-техник ечимлар келажакда кон чуқурлигини 1000 метргача етказиш имконини беради. Шу билан бирга қазиб олинаётган захиралар 50 йил давомида хомашё базасини таъминлаш учун етарли бўлади.

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга йўлаган Мурожаатномасида 2021 йилда Навоий кон-металлургия комбинати томонидан 2 та янги гидрометаллургия заводи фойдаланишга топшириш режалаштирилаётганлиги таъкидлаб ўтилди.

Мазкур заводларни барпо этиш асослари давлатимиз раҳбари томонидан 2017 йилда тасдиқланган комбинатни 2026 йилгача ривожлантириш дастури билан белгилаб берилган эди. Ўтган тўрт йилда мазкур ҳужжатга мувофиқ 1,7 млрд. АҚШ доллари ўзлаштирилиб, 10 та иншоот барпо этилди. Бунинг натижасида

комбинатда олтин ишлаб чиқариш ҳажми 10 фоизга, кумуш ишлаб чиқариш эса 45 фоизга ошди.

Корхона фаолиятида муҳим аҳамиятга эга бўлган истиқболли лойиҳалардан бири – бу қиймати 247,6 млн. АҚШ доллари бўлган 7-гидрометаллургия заводи. Ўтган йилда мазкур лойиҳанинг биринчи ва иккинчи босқичи доирасида маъданни қайта ишлашга ихтисослашган тўртта тегирмон блоки муддатидан олдин ишга туширилди. Завод қурилишида қўлланилаётган асосий технологик ускуналар чет элдан сотиб олинмасдан, Навоий машинасозлик заводида ишлаб чиқарилиши эвазига 56 млн. долларга яқин маблағ тежалишига эришилди.

Ушбу заводнинг ажралиб турадиган устунлиги шундаки, бу ерда таркибида олтин кам бўлган, олдин ишланган ва захирага олинган маъданни энг мураккаб жараёнлар орқали, яъни кислотали ишқорда яна қайта ишлаб, маҳсулот олинади. Қайта ишлаш жараёнида фақат маҳаллий кимё маҳсулотлари ишлатилади, бу эса маҳсулот таннархини янада арзонлаштиради. Завод тўла қувват билан ишга туширилганидан сўнг йилига 15 млн. тонна техноген чиқиндиларни қайта ишлаш ва 7,5 тонна





қўшимча олтин ишлаб чиқариш имконини беради. Бундан ташқари мингдан ортиқ янги иш ўринлари яратилади.

Навоий кон-металлургия комбинатининг истиқболи ҳақида сўз очилса, даставвал бугунги кунда амалга оширилаётган инвестицион лойиҳалар тилга олинади. Чунки у ер ости қазилма бойликларининг янги захираларини қидириб топиш ва ўзлаштириш асосида маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтириш, қўшимча иш ўринлари яратишга қаратилгани билан аҳамиятлидир. «Ауминзо-Амантой» кони негизда 5-гидрометаллургия заводини қуриш шундай лойиҳалар сирасига киради. Маълумки, 2017 йилнинг март ойида Президентимиз рамзий тугмани босиб, бу муҳим лойиҳага старт берган эди. Ўтган вақт мобайнида «Ауминзо-Амантой» кони ва янги завод қурилишига сафарбар этилган жамоалар кенг кўламли ишларни бажариб келмоқда. Бунинг пировардида бугун Қизилқум саҳроси чинакам бунёдкорлик майдонига айланди. Яқин кунларда заводнинг йилига 2 млн. тонна маъданни қайта ишлаш қувватига эга 1-тегирмон блоки муддатидан олдин фойдаланишга топширилиши кутилмоқда.

5-гидрометаллургия заводида дунёда ўхшаши бўлмаган, мутлақо янги технология, яъни кислородли-оҳакли оксидлаш асосида олтин ажратиш олиш йўлга қўйилади. Энг қувонарлиси, ишлаб чиқариш жараёни тўлиқ автоматлаштирилган бўлиб, масофадан бошқарув тизими ўрнатилди. Корхонада ҳар йили 5 млн. тонна маъдан қайта ишланади.

Шунингдек, «2-гидрометаллургия заводининг қайта ишлаш қувватларини кенгайтириш» лойиҳаси доирасида 2020 йилда муддатидан олдин 29 ва 30 тегирмон блоклари ишга туширилди. Мазкур заводда таркибда қимматбаҳо металл бўлган маъданни майдалашдан бошлаб, ундан тайёр маҳсулот ажратиш олиб, олий сифатли қуйма олтин ҳосил қилишга бўлган барча технологик жараёнлар амалга оширилади. Янги тегирмонлар ёрдамида ўтган йили 2019 йилга қараганда 2,5 млн. тоннадан ортиқ маъдан қайта ишланди. Сўнгги ускуна ва дастурий таъминотлар асосида яратилган автоматлаштирилган тизим эвазига завод мутахассислари асосий технологик параметрлар ҳисобланган маъдан, сув, электр қуввати, мой сарф-харажатлари ҳақидаги маълумотлар киритилган веб-саҳифадан эркин фойдаланиш имкониятига эга бўладилар.

Мамлакатимизда аҳолининг инвестиция ва жамғариш имкониятларини кенгайтириш, қимматбаҳо металллар муомаласини ривожлантириш мақсадида 2020 йилда Марказий банк томонидан ўлчовли оғирлиги 5, 10, 20 ва 50 грамм бўлган, 999,9 софликдаги олтиндан тайёрланган қуймалар тижорат банклари орқали сотувга чиқарилди. Мамнуният билан айтиш керакки, шундай ўлчовли қуймалар Навоий кон-металлургия комбинатида тайёрланмоқда. Давлатимиз раҳбарининг 2018 йил 7 июндаги «Ўзбекистон Республикасида қимматбаҳо металллардан ўлчовли қуймалар ишлаб чиқаришни ташкил этиш ҳамда қимматбаҳо ме-

таллар бозори фаолиятини тартибга солиш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорига асосан НКМК томонидан олтин ва кумушдан ўлчовли қуймалар ишлаб чиқариш бўйича замонавий технологияларга асосланган мажмуани қуришга қаратилган, умумий қиймати 31 млрд. сўмдан ортиқ бўлган инвестиция лойиҳаси ҳаётга татбиқ қилинди. Бу лойиҳа доирасида 2-гидрометаллургия заводининг тайёр маҳсулот цехи негизда ўлчовли қуймалар ишлаб чиқариш участкаси барпо этилди. Зарафшон қурилиш бошқармаси томонидан бунёд этилган мажмуага Италияда ишлаб чиқарилган илғор технологик асбоб-ускуналар ўрнатилди.

Дарвоқе, «Ауминзо-Амантой» sanoat майдонида янги барпо этилган Ишчилар шаҳарчаси бунёдкорлик ишларининг ёрқин намунасидир. Мазкур шаҳарча ва унинг ҳудудида замон талаблари асосида ошхона, муҳандис-техник ходимлар учун турар жой бинолари, шунингдек, ишчилар учун барча қулайликларга эга ётоқхоналар, кундалик харид моллари дўкони, тиббиёт пункти, дорихона, ошхона, спорт мажмуаси, кичик футбол майдончаси, автотураргоҳ фойдаланишга топширилди.

Бир сўз билан айтганда, режа ва вазифа – аниқ, мақсад, марра – улкан. Эришилаётган барча ютуқлар замирида эса пухта ўйланган лойиҳалар, уларни рўйбга чиқариш учун жалб этилган инвестиция лойиҳалари ва албатта, малакали, фидойи ишчи-ҳодимларнинг шижоатли меҳнати мумкин.

ЎЗБЕКИСТОН УРАН САНОАТИ – ЖАДАЛ РИВОЖЛАНИШ ЙЎЛИДА

Отабек РЎЗИЕВ,
НКМК Геотехнология бўлими бошлиғи

Бугунги кунда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев раҳбарлигида мамлакатда барча соҳаларда, шу жумладан, кон-металлургия ва геология саноатида катта ислохотлар амалга оширилмоқда.

Аёнки, Навоий кон-металлургия комбинати Ўзбекистонда уран қазиб чиқариш ва ураннинг чала оксиди-оксиди кўринишидаги тайёр маҳсулотни экспорт қилиш билан шуғулланувчи ягона корхона ҳисобланади.

1994 йилдан бошлаб НКМКда барча уран қазиб чиқариш ишлари фақат ер юзасига ўрнатиладиган геотехнологик қудуқлар тизимлари орқали уранни ер остида танлаб эритиш усули билан амалга оширилиб келинмоқда. Ушбу технология илгари қайта ишланиши норентабел, деб

ҳисобланган қумтош конларининг «камбағал» рудалари захираларини қайта ишлашга жалб қилиш орқали хомашё базасини кўпайтириш имконини берди.

Умуман олганда, НКМК замон талаблари асосида ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг сифати ва миқдорини ошириш ҳамда харажатларни камайтиришга қаратилган техник қайта жиҳозлаш сиёсатини олиб бормоқда.

Ҳозирги вақтда табиий уранни қазиб чиқаришда 6 та уранни ер остида танлаб эритиш геотехнологик конидан фойдаланилмоқда. Уран ишлаб чиқаришнинг минерал-хомашё

базасининг асосини 21 та кон ва 7 та истиқболли майдон ташкил этади. НКМК уран корхоналарининг ёрдамчи объеклари жумласига Шимолий кон бошқармасининг сульфат кислота заводи, шунингдек, НКМКнинг бўлинмаларини қувур маҳсулотлари билан таъминловчи Жанубий кон бошқармасининг ПВХ ва пластмасса қувурлари маҳсулотлари ишлаб чиқариш цехи киради.

Конлардан олинadиган таркибидан уран мавжуд бўлган маҳсулот 1-гидрометаллургия заводида тайёр маҳсулот (ураннинг чала оксиди-оксиди) ҳолатига қайта ишланади ва экспортга жўнатилади.



УЧҚУДУҚ ИМКОНИАТЛАРИНИНГ КАШФ ЭТИЛИШИ

XX асрда халқ хўжалигида атом электр станциялари учун хомашёга бўлган талабнинг ўсиши қайта иш-лашнинг техник ва иқтисодий жи-ҳатдан мақсадга мувофиқ анъанавий ер ости ва очиқ кон усуллари мавжуд эмаслиги туфайли саноат нуқтаи на-заридан қизиқиш уйғотмаган «камба-ғал» ва оғир тоғ-геологик шароит-даги конларни жалб қилиш зарура-тини келтириб чиқарди.

Янгидан ташкил этилган комби-натнинг асосий вазифаси 1952 йилда очилган ва Марказий Қизилқумнинг

оташ каби иссиқ кумларида, қадимий карвон йўлининг учта қудуғи яқинида жойлашган йирик уран конини ўз-лаштиришдан иборат эди. Ўша йил-ларда ташкил этилган Шимолий кон бошқармаси негизда бундай кон-ларни қазиб олишнинг уранни ер остида қудуқли танлаб эритиш усули номини олган янги, кам харажатли усулини ишлаб чиқиш ва ўзлашти-ришга қаратилган кенг кўламли иш-лар бошлаб юборилди.

1965-1967 йилларда мукаммал технологик ва техник-иқтисодий кўр-

саткичлар билан ўтказилган тажри-ба-саноат ишлари Учқудуқ конининг уранни ер остида танлаб эритиш усули ёрдамида саноат йўли билан қайта ишлашга киришиш имконини берди.

Ўтган асрнинг 90-йилларида уран рудасини қазиб олиш бўйича кўплаб конлар ёпилгач, Шимолий кон бош-қармасининг геотехнологик кони Учқудуқдан уран маҳсулотларини етказиб берувчи ягона кон бўлиб қолди.

5-КОН БОШҚАРМАСИ – 50 ЙИЛЛИК ЙЎЛ

Навоий кон-металлургия комби-натининг уран қазиб чиқарувчи асо-сий бўлинмаси ҳисобланган 5-кон бошқармаси бу йил 1 февралда ўзи-нинг 50 йиллигини нишонлади. Ушбу йиллар давомида бошқарма табиий уран қазиб чиқариш ва ер остида танлаб эритилган эритмалардан ам-моний перренатини ишлаб чиқариш бўйича етакчи корхона сифатида мамлакатимизда мустақкам мавқега эга бўлди. Ҳозирги вақтда кон бош-қармасининг улушига уран ишлаб чиқаришнинг 78,5 фоизи ва НКМК бўйича ишлаб чиқариш ҳажмида ам-моний перренати ишлаб чиқариш-нинг 100 фоизи тўғри келади.

Эллик йил тарих учун кичик давр, лекин сувсизлик ва зарур инфрату-зилмаларсиз бир шароитда чўл мар-казида катта корхонанинг барпо этилгани, унинг тармоқда қарор то-пгани ҳамда профессионал уран қа-зиб чиқарувчиларнинг бутун бир «самараси» шаклланиши ҳақида кўп гапириш мумкин. Бугунги кунда Кон бошқармаси қазиб чиқарувчи ва қай-та ишловчи мажмуалар, ишлаб чиқа-ришнинг барча эҳтиёжларини, ри-вожланган инфратузилма ва ижти-моий объектларни тўлиқ қамраб олган ёрдамчи бўлинмаларни бир-лаштирувчи замонавий саноат кор-хонасини ўзида намоён этади. Ўзбе-кистоннинг Навоий, Бухоро ва Са-марқанд вилоятларида жойлашган 18 та таркибий бўлинмада 4,5 минг-дан ортиқ киши меҳнат қилади.

Кон бошқармасининг маҳсулот-лари тўлиғича экспортга йўналтирил-

ган бўлиб, охириги йигирма йил ичи-да компания ўз ривожланишининг янги босқичига чиқди. Жаҳон бозо-рининг беқарор конъюнктураси шароитида уран қазиб чиқариш ишларининг самарадорлигини оши-риш мақсадида кон бошқармасида маҳсулдор эритмаларни насос билан тортиб чиқаришнинг эрлифт усули-дан электр ёрдамида юклайдиган насос агрегатларини жорий этишга тўлиғича ўтилди. Натижада маҳсул-дор эритмаларни насос билан тор-тиб чиқариш учун электр энергияси сарфи деярли 2 баробарга қисқарди. Сиқилган атмосфера ҳавоси ва газ-симон техник кислородни тўлдириш усули билан рудали горизонтни ок-сидлашнинг жорий этилиши юқори карбонатли ва 500 метргача руда жойлашган уран конларини ишлаб тайёрлашга самарали жалб қилиш имконини берди, бу карбонатли майдонларда кислоталаш вақтида сульфат кислота сарфини камай-тирди.

Телекоммуникация тизимларини ривожлантириш ва ишлаб чиқариш назоратини автоматлаштириш маса-лалари ҳам четда қолмади. Ишлаб чиқаришни янгилаш ва техник қайта жиҳозлаш манзилли дастури сама-расида АСУТП тизимлари маълумот-ларни GSM-алоқаси орқали узатув-чи замонавий ускуналар билан жи-ҳозланди. Ишлаб чиқаришнинг энг муҳим параметрларини, технологик ускуналар ва транспортнинг ишла-шини онлайн кузатиш имконияти пайдо бўлди.

5-кон бошқармасида ёқилғи-энергетика ресурслари, хомашё, ма-териаллар, меҳнат сарфларини те-жашга катта эътибор қаратилади, уларнинг қисқартирилишига нафақат ишлаб чиқариш қувватларини мо-дернизация қилиш, балки меҳнатни тўғри ташкил этиш, харажатларни оптималлаштириш орқали эришил-ди. Жаҳон бозорида кескин рақобат шароитида кон бошқармасини илм-фан ва юқори технологияларнинг энг илғор ютуқлари асосида модерни-зация қилиш ва янгилаш, ички захи-раларни излаб топиш энг муҳим ва-зифага айланмоқда.

Охириги 4 йил мобайнида Кон бошқармасининг ишлаб чиқариш фаолиятини таҳлил қилиб, қуйидаги ютуқларни қайд этиш мумкин: бур-ғулаш ҳажмининг ўсиши 133 фоизни, уран ишлаб чиқариш 113 фоизни ташкил қилди, бунда тайёр маҳсулот бирлигининг ҳақиқий таннархи 20 фоизга камайди.

Экспортга йўналтирилган маҳсу-лотлар ҳажмини ошириш давлат дас-тури доирасида кон бошқармаси томонидан тадқиқот ва илмий-ама-лий ишлар комплекси ўтказилиб, улар пировардида аҳамияти бўйича иккинчи ўринда турадиган, асосий ишлаб чиқариш технологик эритма-ларидан йўл-йўлакай олинадиган аммоний перренати ишлаб чиқариш ҳажмини 4 баробар ва ундан кўпга ошириш имконини берди.

Ишлаб чиқариш қувватларини сақлаб туриш ва ошириш мақсадида кон бошқармаси томонидан техник



модернизация қилиш ва қайта жиҳозлаш, истиқболли конларда янги ишлаб чиқариш объектларини қуриш

лойиҳаларини ўз ичига олган, йилига тахминан 10 млн. доллар капитал қўйилмалар киритиладиган инвес-

тиция лойиҳаларининг амалиётга татбиқ этилишига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

«СОБИРСОЙ» – УЛКАН ҚУВВАТ МАНБАИ

Жанубий кон бошқармаси комбинатининг асосий бўлинмаларидан бири ҳисобланиб, 1958-1960 йилларда олиб борилган геология-разведка ишларидан сўнг «Собирсой» уран конини ўзлаштириш учун ташкил этилган. Унинг ўша даврдаги асосий вазифаси «Собирсой» йирик уран конини қазиб чиқаришнинг ер ости усули билан ишлаб тайёрлашдан иборат эди. Бугунги кунда бу уран ва олтин қазиб чиқариш билан шуғулланувчи кўп тармоқли саноат корхонаси ҳисобланади. «Собирсой» конини ер ости усулида ишлаб тайёрлаш билан бир қаторда 1967 йилда ер остида танлаб эритиш усули билан уран қазиб чиқариш бўйича тажриба ишлари бошлаб юборилди.

Мустақиллик йилларида НКМКда уран қазиб чиқариш ҳажмининг оширилишини назарда тутувчи уран қазиб чиқариш тармоғини ривожлан-

тириш дастури ишлаб чиқилди. Жанубий кон бошқармаси учун бу вазифа жуда мураккабдек туюларди, чунки қолган захиралар паст унумдорлиги, руда жинсларининг кам қуввати, юқори карбонатлик, катта чуқурликлар (450-550 метрдан ортиқ) билан тавсифланарди, захираларнинг бир қисми технологик баланс орти тоифасига ўтказилди. Шу муносабат билан мутахассислар томонидан илгари ишлаб тайёрланган майдонлардаги захираларни қайта ишлаш масаласи кўриб чиқилди. 2000 йилдан бошлаб карбонатли рудаларни ишлаб тайёрлаш янги технологиялари жорий этилиб, технологик ва ёрдамчи асбоб-ускуналар модернизация қилинганидан сўнг «Собирсой» конининг захираларини қайта ишлаш («йўқотишларни қайтариш») билан шуғулланмоқда. Чунончи, мустақиллик йилларида «Собирсой» конининг 2, 3, 4, 5, 8-кон

майдонлари қайта ишлаб тайёрланди, шунингдек, Шарқ, Улус, Жарқудук, Ағрон, Нурбулоқ ва Ингичка участкалари ишга туширилди. Ҳозирги вақтда кон майдонларининг балансдан ташқари захиралари ишлаб тайёрланмоқда, «Фарбий» ва «Шарқий Ағрон» конларида тажриба-саноат ишлари олиб борилмоқда. Геология давлат қўмитаси ва НКМК бирга «Шарқий Ағрон» ва «Тувактау» конларида, шунингдек, бошқа истиқболли майдонларда геология-разведка ишларини давом эттирмоқда.

НКМКнинг ҳар бир ишчи-ходими уран саноатида юқори натижаларга эришишга ҳисса қўшган ҳолда стратегик металл қазиб чиқаришни такомиллаштириш ва кўпайтириш ишига, демакки, мамлакатимиз иқтисодиётини янада ривожлантиришга сидқидилдан ўз ҳиссасини қўшмоқда.

ҚИЗИЛҚУМ БАҒРИДАГИ МЎЪЖИЗА

Отабек РАВШАНОВ, «Мурунгов» кони бошлиғи

Қизилқум саҳроси. Ястаниб ётган қирларга туташ барханлар. Бундан бир неча йиллар олдин мана шу ҳувиллаган кенгликда мисли кўрилмаган ўзгаришлар содир бўлди. Ўзининг жозибadorлиги ҳамда Менделеев даврий жадвалида акс этган жамики металлларга бой саҳро бағридаги табиий бойликларни ўзлаштириш йўлида дадил қадам ташланди.

«Мурунгов» конининг очилиши халқаро геологлар жамоатчилиги томонидан ўтган асрнинг қимматбаҳо металллар соҳасида қилинган энг катта кашфиёти сифатида тилга олинади. Бугунги кунда ҳам ушбу улкан кон иқтисодиётимиз ривожига ўз ўрнига эга.

Шуни мамнуният билан таъкидлаш жоизки, қўлга киритаётган ютуқларимиз доимий равишда дунё миқёсида юксак эътироф этилиб келинмоқда. Яқинда Канаданинг нуфузли «Kitco» компанияси эълон қилган рейтингга кўра, «Мурунгов» кони 2020 йилда жаҳондаги энг йирик ол-

тин конлари ўртасида биринчи ўринни эгаллади. Бу хушхабар ана шундай эътирофнинг амалдаги намунасидир. Бу билан йиллар давомида дунёдаги энг йирик олтин кони мақомини сақлаб қолиб, келажакда жонажон корхонамиз равнақи ва юртимиз иқтисодиётига барқарор хизмат қиламиз.

Жамоамиз аҳлининг азму шижоати билан ўтган йили 2 миллион унциядан зиёд олтин қазиб олиб, дунёдаги энг етакчи компанияларни ҳам ортда қолдирдик. Пировардида иккинчи ўрин 1,6 миллион унция олтин қазиб олинган АҚШнинг «Карлин» конига, учинчи ўрин эса Россиянинг «Олимпиада» конига насиб қилди.

Эришилган барча натижаларда ишчи-хизматчиларимиз фидокорона меҳнати мужассам. Эътироф ва муваффақиятлар бизни янги марраларга руҳлантиради.

...1958 йилдан бошлаб конда бурғулаш ишлари ўрганилиб, рудани қазиб олиш, қайта ишлаш мажмуалари фойдаланишга топширилди ва очиқ кон қазиш ишлари бошланди.

1967 йилнинг 5 мартда «Мурунгов» очиқ конида биринчи оммавий портлатиш ишлари амалга оширилди.

1969 йил 21 июль. Бу кун чўллар қаърида яшириниб ётган табиий бойликларни қидириб топишга жазм этган жамоа ҳаётида муҳим сана ҳисобланади. Шу кун оғирлиги 11 килограмму 820 грамм бўлган «Мурунгов» кони олтинининг биринчи қуймаси олинган. Бу маҳсулот халқаро ташкилотларнинг юксак даражадаги эътирофига сазовор бўлган. Ўзбекистон фонд биржасидан рўйхатдан ўтган товар белгиси бутун дунёдаги маҳсулотларнинг энг юқори сифатини акс эттирувчи тамға сифатида тан олинган.

Йиллар ўтгани сари кон фаолиятида ҳам илм-фан ва техника ютуқларига уйғун равишда ишлаб чиқариш технологияларининг изчил такомиллашиб бориши кузатилди, муҳим технологик қарорлар қабул қилинди. Жумладан, 1993 йилдан бошлаб коннинг чуқурлиги ортиши билан дастлаб кенг фойдаланилган «БелАЗ»





автосамосваллари билан бир қаторда юк кўтариш имкони 170 ва 140 тонна бўлган «Юклид» ва «Катерпиллар» русумли автосамосваллар олиб келинди. Мазкур техник қувватлар маъданни ташиш ишларини бажариш билан бир қаторда қулай имкониятларга ҳам эга. Уларнинг ёрдамида кон чуқурлигини ошириш баробарида қазиб олиш ҳажми кенгаймоқда.

1998 йилда конда тажриба сифатида GPS технологиясидан фойдаланган ҳолда тоғ ишларини автоматик тизимда бошқаришнинг биринчи навбати йўлга қўйилди. 1999 йилда эса мазкур технологияни янада мукаммаллаштирган ҳолда GPS спутник алоқадан фойдаланиш тизимига ўтилди. Бу эса ўз навбатида транспорт воситаларидан фойдаланишни оптималлаштириш билан бирга бутун тоғ комплекс ишини бошқаришни назорат қилиш самарадорлигини оширди. Автосамосваллар ва экскаваторларда ўрнатилган узатгичлар спутник канали орқали марказий компьютерга сигнал беради. Марказдаги кузатувчи оператор муттасил монитор экранидан коннинг юклаш зонасидан юкни тўкиш пунктларигача бўлган барча участкалардаги транспорт ва юклаш ускуналарининг ҳолатини назорат қилади. Бундан ташқари мазкур қурилма кондаги юк оқимини бошқариш тезкорлигини таъминлаш билан бирга самосваллар ҳамда экскаваторларни қайта юклаш пунктларига тақсимлайди.

Айтиш керакки, «Мурунтов» кони маъданлари жуда мураккаб кон-геологик тузилишга эга. Уларни қазиб олишга тайёрлашда ўзига яраша ён-

дашув талаб этилади. Бунда бурғулаш ва портлатиш ишлари параметрлари белгиланади. Портлатиш ишларининг хавфсизлигини ошириш ва портлатишга кетадиган вақтни қисқартириш мақсадида 1996 йилда «ДРУЗА» радиобошқарув тизими ишга туширилган. Ушбу тизим ёрдамида алоҳида блоклар орасида ўтказиладиган портлатишларни хоҳлаган вақт оралиғида ўтказиш ҳамда оммавий портлатишни исталган пайтда тўхтатиш мумкин. Ушбу ишларни бошқариш хавфли зонадан хавфсиз масофада олиб борилади.

Кўп йиллар давомида конларда портлатиш ишлари учун портлатувчи моддалар бошқа мамлакатлардан буюртма асосида олиб келинган. Бу эса талай муаммоларни келтириб чиқарар эди. 2001-2002 йилларда Қизилқум бағрида «Orica Germany» компанияси технологияси асосида эмульсион портлатувчи моддалар заводи қурилди ва 2002 йилнинг кузида ишга туширилди. Лойиҳани амалга ошириш учун умумий қиймати 6 млн. АҚШ долларлик маблағ сарфланган бўлиб, қисқа вақтда бутун харажатлар қопланди ва маҳаллийлаштириш дастури доирасида иқтисодий самара бера бошлади. 2017 йилга келиб Навоий кон-металлургия комбинати тизимидан ташқари бошқа конларга ҳам эмульсион портловчи моддалар етказиб бериш йўлга қўйилди. Илгари ушбу заводнинг йиллик ишлаб чиқариш йиллик кўрсаткичи 3 000 тоннани ташкил қилар эди. 2018 йилга келиб бу кўрсаткич икки ҳиссага ошди.

Табиатда олтиннинг нотекис ва

кам миқдорда тарқалгани конларни қидириш ҳамда ўзлаштириш учун тоғ жинсларини тезкор таҳлил қилишни тақозо этади. Олтин конларидан олинган намуналарни таҳлил қилишда аниқлик даражаси ўта юқори бўлиши шарт. «Мурунтов» конидаги Марказий гамма-активлаштирилган таҳлил лабораторияси комбинатнинг ноёб бўлинмалари сирасига киради. Мана, 44 йилдирки, лабораторияда электронларни чиқиқли тезлатгичда тормозланган гамма нурлари орқали таҳлилдан ўтказиш ишлари тизимли олиб борилади. Йилдан-йилга лабораторияда геологик намуналарнинг таркибидаги олтинни тезкор гамма-активлашган таҳлил қилиш жараёни такомиллашиб бормоқда. 1977 йилнинг биринчи чорагида лабораторияда бир сменада 50 та намуна таҳлил қилинган бўлса, йил охирига келиб лойиҳавий самарадорлик кўрсаткичи 400 тага етди. Ҳозирги кунда эса бир суткада битта тезлатгичда 3 минг 500 дан ортиқ намуна таҳлил қилинмоқда. Лабораторияда атиги 17 сонияда рудадаги олтин таркибини аниқлаб бериш имконияти мавжуд.

Умуман олганда, лабораторияда олиб борилаётган таҳлилларнинг йиллик кўрсаткичи 1 миллион 500 мингтагача намунани ташкил этмоқда. Эътиборлиси, дунёдаги ҳеч бир физик лаборатория бу ҳажмда таҳлил ўтказиш имкониятига эга эмас.

Йиллар давомида «Мурунтов» кони чуқурлиги кенгайиши, масофанинг ортиши натижасида кон массаларининг доимий ва вақтинчалик сақлаш жойларига етказиш ишлари

кўп вақт ҳамда харажат миқдори ошишига сабаб бўлди. Корхонада тежамкорликини сақлаш учун 1984 йилда 1-даврий оқимли технология мажмуаси ишга туширилди. 2011 йилда эса Навоий кон-металлургия комбинати раҳбарияти ташаббускорлигида дунёда ўхшаши бўлмаган ва ноёб лойиҳа ҳисобланган КНК-270 тик-қия конвейер мажмуаси ишга туширилди. Умумий узунлиги уч километрни ташкил қиладиган конвейер иқтисодий самарадорлиги жиҳатдан автотранспортда тоғ жинсларини ташигандан кўра бир неча бор иш унумдорлигини оширди. Кон массаларини транспортлаштиришда масофа ва дизель ёқилғисининг қисқаришига, атроф-муҳит ва атмосферага чанг, газ тарқалишининг камайишига эришилди. Юкни етказиб беришдаги харажатлар тенг ярмига камайиб, кон чуқурлигидаги маъданларни ташишда автосамосвалларнинг кўтарилиш баландлиги 300 метр қисқарди. Бу модернизациянинг баландлиги 270 метрни ташкил этиб, ишлаб чиқариш унумдорлиги 1 соатига 3500 тоннага тенг. КНК-270 тик қияли конвейер махсус бошқарув марказидан бошқарилади. 2014 йилда конвейерга қўшимча равишда 2 та янги линия ишга туширилди. Ушбу янги конве-

йер линиялари ер остидан чиқарилган тоғ жинсларини вақтинча ва доимий махсус жойларга етказиб беради. Шунингдек, 4-майдалаб, қайта юклаш пункти «Мютенбай» конининг 6-бўлимидан кон жинсларини 2-узатиш конвейери орқали ташишга мослаштирилди. Натижада жанубий-шарқий даврий-оқим технологияси орқали тоғ жинсларини ташқи ағдармаларга ташиш ҳажми ошишига эришилди.

Эътироф этиш лозимки, давлатимиз раҳбари томонидан 2026 йилгача комбинатни ривожлантириш дастури доирасида улуғвор вазибаларни рўёбга чиқариш белгиланди. Айни пайтда дастурда белгиланган «Мурунгов» кони 5-навбатини ишга тушириш каби муҳим инвестицион лойиҳалар юзасидан жадал суръатда иш олиб борилмоқда. «Мурунгов» карьерини қазиб олиш 5 навбатининг 1-босқичи» лойиҳасининг техник-иқтисодий асослари ишлаб чиқилди ва унинг капитал қурилиши учун 733,9 млн АҚШ доллари миқдорида маблағ ажратилди.

Мамлакатимизнинг асосий руда манбаи ҳисобланган «Мурунгов» конида кончилик техникаси ва асбоб-ускуналарини модернизациялаш ҳамда янгилаш изчил давом эттирил-

моқда. 2021-2022 йилларда узунлиги 2150 ва 3200 метрни ташкил этган иккита Шимолий-шарқий ва Жанубий даврий оқим технологияли конвейер мажмуалари ишга туширилиши режалаштирилган. Бундан ташқари, ўз кўрсаткичлари бўйича жаҳонда ягона бўлган RopeCon тизимли Doppelmayr, тоғ жинсларини юқорига ташувчи тик-қия конвейер мажмуаси қурилиши режалаштирилмоқда. Бу ўз ўрнида келгусида 2070 йилгача кон чуқурлигини 1050 метрга етишини ҳисобга олган ҳолда қазиб олиш ҳажминини сақлаб қолиш ва ошириш имконини яратлади. Шунингдек, 2-гидрометаллургия заводининг қайта ишлаш мажмуаси қувватини ошириш мақсадида «Мурунгов» таркибида «Чукурқудуқ», «Бессапантау», «Балпантау» ва «Томдибулоқ» каби янги конларни очиш ва фойдаланишга топшириш режалаштирилган.

Амалга оширилаётган кенг кўламли ишлар, инвестицион лойиҳалар ва инновацион ғояларнинг ишлаб чиқаришга самарали жорий этилаётгани ҳамда истиқболли режаларга мустаҳкам замин яратилаётгани кончиларимизда фаровон ҳаётдан шукроналик, эртанги кунга эса ишонч руҳини уйғотиши табиий.





SHAFFOF®



BIRINCHI BULOQ SUVI

 200 88 88

ПЕРВАЯ! РОДНИКОВАЯ

Reklama huquqi asosida

"SHAFFOF SERVIS" QK MCHJ xizmat ko'rsatadi

MAHSULOT SERTIFIKATLANGAN, XIZMATLAR LITSENZIYALANGAN



МАҲАЛЛИЙЛАШТИРИШ ДАСТУРИ – ИННОВАЦИЯ ИМКОНИЯТЛАРИНИНГ АСОСИЙ ДРАЙВЕРИ

Улуғбек САНАҚУЛОВ,

*Навоий кон-металлургия комбинати Маҳаллийлаштириш
дастурларини шакллантириш ва мониторинг қилиш бўлими бошлиғи*

Ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш ва импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар тури ҳамда ҳажмини ошириш иқтисодий ривожланишнинг муҳим шартларидан ҳисобланади. Бу борада мамлакатимиз раҳбари ва ҳукуматимиз томонидан аниқ вазифалар белгиланган бўлиб, маҳаллийлаштиришни чуқурлаштириш ва унинг миқёсларини кенгайтиришни жадаллаштириш, юқори қўшилган қийматни шакллантириш, мавжуд хом ашё ресурслари ва имкониятлардан сама-

рали фойдаланиш чора-тадбирлари тизимли олиб борилмоқда.

Маҳаллийлаштириш дастури ижросини таъминлаш Навоий кон-металлургия комбинати фаолиятининг ажралмас қисми сифатида асосий иқтисодий кўрсаткичларни яхшилашга шароит яратмоқда. Бугунги кунда бошқа маҳаллий корхоналар қатори НКМК маҳаллийлаштирилган маҳсулотларни ишлаб чиқаришнинг локомотивларидан саналади.


Маҳаллийлаштириш дастури, аввало, технологик, кон-шахта, майдалаш-саралаш ва бошқа маҳсулотлар учун олдин импорт қилиб келтирил-

ган бутловчи буюмлар ҳамда эҳтиёт қисмларга бўлган талабни таъминлашга йўналтирилган.

Президентимизнинг 2016 йил 26 декабрдаги «2017-2019 йилларда тайёр маҳсулот турлари, бутловчи буюмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштиришнинг истиқболли лойиҳаларини амалга оширишни давом эттириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори доирасида НКМК томонидан умумий қиймати 403,9 млрд. сўм бўлган 86 та лойиҳа рўёбга чиқарилди. Натижада 1М63Н, НТ-425 моделидаги токарлик дастгоҳларининг янги турла-


1-расм

2017-2021 йилларда Маҳаллийлаштириш дастури бўйича НКМК томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулот, млрд. сўм



2-расм

НКМКда Маҳаллийлаштириш дастури бўйича ишлаб чиқариладиган маҳсулот турлари сони



ри, НФ-1200 моделидаги универсал фрезалаш дастгоҳи, технологик жиҳатдан ишлаб чиқарилиши мураккаб бўлган Ц-50 куюлтиргичи, гидроциклон қурилмалари, скрепер лебёдкаси, янги турдаги насослар, импорт редукторларининг аналоглари, беркитиш арматуралари, кон-шахта ва технологик ускуналар учун эҳтиёт қисмлар, оғир юк ташувчи кон машиналарини капитал таъмирлаш каби маҳсулот ва хизматлар маҳаллийлаштирилди.

2019 йил 25 сентябрда давлатимиз раҳбари раислигида ўтказилган кенгайтирилган видеоселектор йиғилишида Навоий кон-металлургия комбинатига Маҳаллийлаштириш дастурига мувофиқ ишлаб чиқариш ҳажмини камида 30 фоизга ошириш топширилган эди. Шунга кўра, биргина ўтган йилнинг ўзига 352,3 млрд. сўмлик маҳаллийлаштирилган маҳсулотлар ишлаб чиқарилди ва 2019 йилга нисбатан ўсиш суръати 152 фоизни ташкил этди. Жорий йилда эса 154 та маҳаллийлаштириш лойиҳаси бўйича 432,9 млрд. сўмлик маҳсулотларни етказиб бериш режалаштирилган.

Корхона нафақат маҳаллийлаштириладиган ва импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар ҳажмини ошириш, балки уларнинг номенклатурасини кенгайтириш масаласига ҳам алоҳида эътибор қаратмоқда. Маҳаллийлаштириш дастури доирасидаги маҳсулотлар турлари йилдан-йилга кўпаймоқда.

Таъкидлаш лозимки, комбинатнинг ҳар бир бўлинмаси, шу жумладан, янги турдаги ҳамда юқори ликвидли маҳсулотларни ўзлаштириш ҳисобига Маҳаллийлаштириш дастурини амалга оширишда ўзининг салмоқли ҳиссасини қўшмоқда.

Марказий Осиёдаги энг йирик машинасозлик корхоналаридан бири бўлган ва маҳаллийлаштирилган маҳсулотларни ишлаб чиқариш бўйича асосий бўлинма ҳисобланувчи Навоий машинасозлик заводида ўтган йили инвестиция лойиҳаси доирасида 5-гидрометаллургия заводи учун илғор технологиялар асосида илк марта МШР 2,1 × 3 м шарли тегирмон ишлаб чиқарилди.

2020-2021 йилларда техник аудит натижаларига кўра Марказий кон бошқармаси 2-гидрометаллургия заводи учун МШЦ 5,5 × 6,5 м шарли тегирмонини импорт бўйича харид қилиниши режалаштирилган эди. Бироқ, технология жараёнларининг мураккаблиги билан боғлиқ хатарларга қарамасдан, шунингдек, валюта маблағларини иқтисод қилиш мақсадида комбинат раҳбарияти томонидан Навоий машинасозлик заводида ушбу турдаги шарли тегирмонни ишлаб чиқаришни ўзлаштириш юзасидан қарор қабул қилинди.

2021 йилнинг I чорагида ўзлаштирилиши режалаштирилган йирик ўлчамли МШЦ 5,5 × 6,5 м шарли тегирмонни ишлаб чиқариш саъй-ҳаракатлари 2020 йилнинг декабрь

ойида якунига етди. Тегирмон Марказий кон бошқармаси 2-гидрометаллургия заводида ишга туширилди. Импорт ўрнини босиш самараси ва валюта маблағларини иқтисод қилиш 2,5 млн. АҚШ долларини ташкил этди.

Корхонада маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни қўллаб-қувватлаш мақсадида «шатакка олиш» механизми жорий этилган. Бунда эҳтиёт қисмлар ва бутловчиларни ишлаб чиқариш ҳамда ўзлаштириш ҳажмларини технологик ва муҳандислик йўналишларида кўмаклашган ҳолда маҳаллий корхоналарга қисман ўтказиш кўзда тутилган.

Йиллар давомида комбинатнинг назорат-ўлчов жиҳозлари ва автоматика хизмати ривожланди ҳамда ишлаб чиқаришни автоматлаштириш бошқармаси даражасига кўтарилди. Замон талабларини инобатга олган ҳолда Бошқарма Назорат-ўлчов жиҳозлари ва автоматика марказий лабораторияси томонидан 2017 йилдан эътиборан янги турдаги импорт ўрнини босувчи маҳаллийлаштирилган маҳсулотларни ўзлаштириш, бўлинмаларда дастурий таъминотларни ўз вақтида ишга тушириш бўйича вазифалар қўйилди. Бошқармада бошқа ташилотларни жалб этмасдан дастурий таъминотларни ишлаб чиқиш ва комбинат бўлинмаларида технология жараёнларини бошқаришнинг интеллектуал тизимини жорий этиш ишларига ҳам жиддий ёндашилди.

Марказий кон бошқармаси Темир-йўл транспорти бошқармасида 2017 йили 6 донa 2BC-105 вагон-ўзи ағдаргич(думпкар) капитал таъмирланган эди. 2020 йилда бу рақам 2 баробарга ортди ва фойдаланиш муддати ҳам шунгача узайди.

Бугунги кунда Марказий таъмирлаш-механика цехи базасида Марказий кон бошқармасининг технологик ускуналари учун эҳтиёт қисмлар ишлаб чиқарилмоқда ва таъмирланмоқда. Инвестиция лойиҳалари доирасида лента конвейерлари, ностандарт ускуналар ва металл конструкцияларини ишлаб чиқариш бўйича ишлар олиб борилмоқда. Қўшимча равишда 70 дан ортиқ янги иш ўринлари яратилиб, замонавий металл кесиш дастгоҳлари ва мосламаларини харид қилиш ҳисобига цехнинг технологик имкониятлари кенгайтирилди.

Шимолий кон бошқармасида эса маҳаллийлаштирилган маҳсулотлар ўнлаб ишлаб чиқариш майдонларини ўз ичига олган кон ускуналарини таъмирлаш ҳамда таъмирлаш-механика цехларида тайёрланмоқда.

Ушбу цехларда ностандарт ускуналар, металл конструкциялари, коншахта ускуналарига эҳтиёт қисмлар, шунингдек, газ ҳолатидаги кислород ва азот ишлаб чиқарилади.

НКМКнинг Жанубий кон бошқармасида олтин таркибли рудалар асосан ер ости усули билан қазиб олинади. Бу ердаги таъмирлаш-механика цехи ностандарт ускуналарни ишлаб чиқариш орқали комбинат инвестиция дастурини амалга оширишда фаол иштирок этмоқда.

Хусусан, 2017-2020 йилларда кузов сифими 1,6 м³ бўлган ВГ-1,6 шахта вагончаси, ВДПУ-4ТМ вибрацияли етказиб бериш-юк ортиш қурилмаси ва бошқа кўплаб маҳсулотларни ишлаб чиқариш ўзлаштирилди. Сўнгги беш йилда Жанубий кон бошқармасида маҳаллийлаштирилган маҳсулотлар ҳажми тўрт баробарга ошди. Жорий йилда яна 14 та лойиҳа бўйича 2,4 млрд сўмлик маҳсулотларни ишлаб чиқариш назарда тутилмоқда.

5-кон бошқармаси уран қазиб олишдан ташқари йўлдош хомашёдан олинадиган ва экспортбop AP-0 маркасидаги аммоний перрена-

тини ишлаб чиқаришни йўлга қўйган. AP-0 маркасидаги аммоний перренати легирловчи қўшимча ҳисобланади ва нефтни қайта ишлаш тармоғида, авиасозликда қўлланилади. Ҳозирда аммоний перренатининг асосий истеъмолчилари «Урал саноат компанияси» МЧЖ ва «Орион» ССК МЧЖ (Россия Федерацияси) ҳисобланади.

2020 йилда глобал пандемия шароитида карантин чекловлари киритилиши билан юзага келган қийинчиликларга қарамасдан, ҳар бир бўлимининг бирдам жамоаси импорт ўрнини босувчи маҳсулотларнинг янги турларини ўзлаштириш юзасидан белгиланган вазифаларни уддалади. Бугунги кунда Маҳаллийлаштириш дастурига биноан ишлаб чиқаришдан юқори иқтисодий самарадорликка эришаётган Навоий кон-металлургия комбинати мазкур йўналишда янги лойиҳаларни изчиллик билан жорий этишда, ишлаб чиқариш, илмий-техник ва меҳнат потенциалини юксалтиришда давом этмоқда.





**Buxoro
neftni qayta ishlash zavodi**

BUXORO NEFTNI QAYTA ISHLASH ZAVODI

*jamoasi O'zbekiston ahlini bahoz ayyomi
Navro'zi olam bilan mubozakbod etadi.*

*Sizlarga va oila a'zolaringizga
sihat-salomatlik, fayzu bazaka,
tinchlik-xotirjamlik tilaymiz.*

*Uyg'onish, yashash va yangilanish
fasli barchangizga xayrli kelsin!*

Navro'z bayramingiz bilan!



ЯНГИЛАНАЁТГАН УЧҚУДУҚ

Шухрат НОРБАДАЛОВ,
НКМК Шимолий кон бошқармаси
3-гидрометаллургия заводи директори

Кизилқум бағридаги мўъжизавий шаҳар – Учқудуқда сўнгги йилларда аҳолининг турмуш фаровонлигини ошириш, ижтимоий-иқтисодий инфратузилмани ривожлантириш йўлида кенг қўламли бунёдкорлик ишлари амалга оширилди.

Бугун шаҳар остонасидаги уч қудуқ тимсолига ўрнатилган муҳташам монумент пойига қадам ранжида қилишингиз билан қалбингизда ёруғ ва кўтаринки ҳислар уйғонади. Бу бежизга эмас. Шаҳарга кираверишда ўнг томондаги дов-дарахтларга бурканган «Орзу» истироҳат боғи, 10 гектарлик майдонни эгаллаган «Ол-

тинқўл» дам олиш маскани кишига ана шундай ёрқин таассуротлар бахш этади.

Айниқса, истиқлолимизнинг 28 йиллиги арафасида фойдаланишга топширилган «Олтинқўл» учқудуқликлар ҳаётида катта воқеа бўлди. Қўлда катамаран ва елканли қайиқларда сузиш, ложувард соҳил бўйлаб сайр қилиш мумкин. Шунингдек, кўкаламзорлаштирилган ҳордиқ маскани, мусиқали фонтан, умумий овқатланиш нуқталари, волейбол, теннис, болалар майдончалари, чўмилиш учун пляж ташкил этилган. Ушбу қўл ҳудуд микроклимининг яхшиланишига имкон яратаяпти. Мана шу

ердаги тепаликдан шаҳарнинг янгиланган маъмурий, тураржой, маданий-маиший биноларини кўриб, бунёдкор халқимизнинг азму-ғайратига таҳсин айтасиз. Айниқса, тунда шаҳар ранг-баранг товланувчи электр чироқлари оғушида янада ажойиб, бетакрор манзара касб этади.

Учқудуқликлар ҳаётини яхшилаш, бугунги кундан розилик ҳисси билан яшашларини таъминлаш ўз-ўзидан бўлаётгани йўқ. Бунда Навоий кон-металлургия комбинати, хусусан, Шимолий кон бошқармаси жамоасининг ҳиссаси беқиёс, албатта.

Учқудуқдаги «Навоий кон-металлургия комбинати» давлат корхона-



си Шимолий кон бошқармасига қарашли 3-гидрометаллургия заводи мамлакатимиз мустақиллигининг дастлабки йилларида фойдаланишга топширилган биринчи йирик sanoat объектларидан бири ҳисобланади.

Эндигина мустақилликка эришган, иқтисоди доимо марказ билан ҳисоблашиб келган, ускуналар бору, мутахассислар ёппасига олиб кетилган бир пайтда ёш мамлакат учун бундай корхонани ишга тушириш ўта оғир масала эди. Аммо қанчалик машаққатли бўлмасин, 1995 йилда бу завод қад ростлаб, ишга туширилди.

Айни пайтда барқарор ўсиш суръатларини қўлга киритаётган 3-гидрометаллургия заводининг ривожланиш йўлини тўртта асосий босқичга бўлиш мумкин. Тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш динамикасида технологик жараёнларни такомиллаштириш, замонавий инновацион лойиҳаларни жорий қилиш ва илғор муҳандислик-техник ечимларини қўллаш муҳим рол ўйнади.

Биринчи босқичда 3-гидрометаллургия заводида оксидланган маъданларни қайта ишлаш кўзда тутилган эди ва шу сабабли 1995 йилдан 2008 йилгача, яъни заводнинг дастлабки 13 йиллик фаолияти давомида фақат оксидланган маъданлар қайта ишланди. «Кўкпатас» конлари маъданларини майдалаш учун учта майдалаш тегирмонлари, бўтанани қуюлтириш тиндиргичлари ҳамда сорбцион – сианлаш жараёнида тўйинган сорбент сифатида ионлашувчи қатрондан фойдаланилган.

Иккинчи босқич 2008-2011 йилларни ўз ичига олиб, бу даврда оксидланган маъданлар захираларининг камайиши сабабли сульфид маъданларини қайта ишлаш имконини берадиган янги технологик мажмуалар барпо этилди. Яъни сульфид маъданларини флотацион бойитиш, флотацион концентратни биооксидлаш ва биооксидлаш жараёнининг тайёр маҳсулотини сорбциялашдан иборат биринчи навбати ишга туширилди. Булар билан бир қаторда янги компрессор станцияси қурилди ва амалдагиси кенгайтирилди. Янги биооксидлаш технологияси барпо этилиши – олтинни ишлаб чиқариш учун капитал маблағ ва электр

энергия сарфини камайтиришга ҳамда экологик жиҳатдан атроф-муҳитга зарар етказмасликка имкон берди.

2009 йилда БИОКС маҳсулотини сорбциялаш учун янги ва замонавий «КЕМИКС» технологияси фойдаланишга топширилди. Кейинчалик амалдаги флотация бўлими модернизация қилинди.

Ушбу мажмуанинг иккинчи босқичи 2011 йилда муваффақиятли ушдаланди ва завод тарихида янги саҳифа очилди. 2011 йилда икки йил олдинги кўрсаткичларга таққослаганда, заводда сульфид маъданларни қайта ишлаш 27 фоизга, тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш 35 фоизга ошди.

3-гидрометаллургия заводи ишлаб чиқариш қувватларининг ўсиб боришига майдалаш цехидаги янги тегирмон блокларининг қурилиши ва фойдаланишга топширилиши ёрдам берди. 4-тегирмон блокининг ишга туширилиши натижасида маъданни майдалаш унумдорлиги 38,2 фоизга юқорилаган бўлса, 5 ва 6-тегирмон блоклари ёрдамида бу кўрсаткич яна 28 фоизга кўпайди.

Учинчи босқич 2012-2019 йилларни қамраб олади. Бу босқичда сорбциялаш жараёни ионлашувчи қатрондан фаоллаштирилган кўмирга ўтказилди. Шу сабабли тўйинган кўмирни қайта ишлаш учун қисқа муддатда ноёб десорбциялаш жараёни қурилиб ишга туширилди. Кўмирни қайта ишлаш технологияси татбиқ этилиши сорбция жараёнида олтинни ажратиб олиш даражасини 80 фоизга оширди.

2020 йилга келиб заводда маъданни қайта ишлаш 1995 йилга нисбатан 6 бараварга, тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқариш эса салкам 5 бараварга ортди.

Давлатимиз раҳбарининг 2017 йил 3 январдаги «Навоий кон-металлургия комбинатида қимматбаҳо металллар ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш бўйича чора-тадбирлар дастурини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарори негизида жами 27 та йирик лойиҳани амалга ошириш, пировардида ишлаб чиқариш ҳажмини 30 фоизга кўпайтириш ва 30 мингдан зиёд иш ўринларини яратиш асосий вазифа қилиб белгиланди. Ушбу дастурга мувофиқ 3-гидрометаллургия за-

водида «Кўкпатас» ва «Довгизтов» конларининг сульфид маъданларидан олтинни ажратиб олиш технологиясини такомиллаштириш юзасидан инвестицион лойиҳаси амалга оширилди.

Шунга кўра «Инжиниринг Доберсек» (Германия) компанияси томонидан 3-гидрометаллургия заводида замонавий юқори технологик комплексни ташкил этиш бўйича технологик регламенти ва Ўзбекистоннинг «ЎзгеорангметЛТИ» лойиҳалаш институти томонидан ишчи лойиҳаси ишлаб чиқилди.

Умумий қиймати 70 миллион еврога ташкил этадиган бу инвестицион лойиҳанинг мақсади – олтин ишлаб чиқариш заводлари чиқиндиларини янги технология асосида қайта ишлаб, қўшимча маҳсулот олишдир. Уни амалга ошириш учун Италия, Австрия ва Германия компанияларидан юқори самарали, автоматлаштирилган ускуналар келтирилди.

Янги технологик жараёни амалга оширадиган жиҳоз ва ускуналар учун НКМК мутахассислари ва «Инжиниринг Доберсек» компанияси мутахассислари биргаликда халқаро патентни қўлга киритди.

Шундай қилиб, чиқиндиларни қайта ишлашнинг юқори самарали ноёб инновацион технологияси 2019 йилда ишга туширилди ва бу завод фаолиятининг тўртинчи босқичи бошланишига тўртки берди. Янги мажмуанинг ишга туширилиши билан қайта ишлаш жараёнида чиқиндига чиқадиغان олтин миқдори икки бараварга камайди. Ўз навбатида тоғ маъданларидан олтинни ажратиб олиш даражаси 12,4 фоизга ва тайёр маҳсулотни ишлаб чиқариш ҳажми 8,7 фоизга кўпайди.

Янгиланаётган Учқудуқда янги, давр талабларига мос инновацион ишлаб чиқариш объектлари барпо этилиши шаҳарнинг ижтимоий-иқтисодий равнақ топишига замин яратмоқда. Энг муҳими, бу ерда умргузaronлик қилаётган одамларда ҳаётидан шукроналик, эртасига ишонч руҳи ҳукмрон. Аксарият учқудуқликлар жонажон шаҳарларидан бошқа манзил-маконларда яшашни ҳатто ҳаёлларига ҳам келтирмаслиги боиси балки шундадир.

ИННОВАЦИЯ ГЕОЛОГИЯ РИВОЖИ УЧУН ХИЗМАТ ҚИЛАДИ

Улуғбек ШАРАФУТДИНОВ,

*НКМК Янги технологияларни татбиқ этиш
инновацион маркази бошлиғи ўринбосари*

Инсониёт тараққиёт-нинг шундай палласига келдики, ҳар қандай танглик ечими, хоҳ у иқтисодий бўлсин, хоҳ ижтимоий илм-фаннинг сўнгги ютуқлари ва инновацияларни амалиётга кенг суръатда жорий этишни тақозо қилади. Зотан, бугун дунёдаги энг ривожланган давлатлар тажрибаси тараққиёт босқичларида айнан илм-фан ва инновацияга таяниш мақсадга мувофиқ эканини исботлайди.

Шу маънода мамлакатимизда миллий иқтисодиётимизни инновацион усулда тараққий эттиришга алоҳида аҳамият қаратилаётгани эътирофга моликдир. Хусусан, кон-металлургия саноатида ҳам илм-фан ва ишлаб чиқариш интеграциясини таъминлаш, инновацион ёндашувни кучайтириш соҳа ривожини жадаллаштирмоқда.

Навоий кон-металлургия комбинатида 2026 йилга қадар олтин ва уран каби қимматбаҳо металлларни қазиб олиш ва қайта ишлаш самара-

дорлигини ошириш, ишлаб чиқариш харажатларини камайтириш ва экспорт маҳсулотлари ҳажмини кенгайтириш учун етарли шарт-шароит яратиш имконини берувчи 105 та инновацион лойиҳани ўз ичига олган Инновацион ривожланиш дастури қабул қилинди. Ҳисоб-китобларга кўра юқорида қайд этилган лойиҳаларнинг амалга оширилиши 1 триллион 267 миллиард сўм иқтисодий самара беради.

Таъкидлаш жоизки, асосан геология-қидирув, кончилик иши, олтин



ва уран ишлаб чиқариш, металлургия ва машинасозлик, транспорт, энергетика, табиатни муҳофаза қилиш, ижтимоий соҳа каби йўналишлардаги илмий-амалий ишлар корхонанинг малакали мутахассислари иштирокида олиб борилапти. Пировардида бугун комбинат инновацион ривожланиш, янги технологияларни ишлаб чиқиш ва жорий этиш йўлидан жадал одимляпти. Ўтган 2019 йилда Инновацион ривожланиш дастури доирасида 24,4 миллиард сўмлик 58 та лойиҳа бўйича иш олиб борилган бўлса, жорий йилда яна 35,4 миллиард сўмлик 63 та лойиҳа устида иш олиб борилмоқда.

Мисол учун, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Ядро физикаси институти олимлари билан ҳамкорликда комбинатнинг геология-қидирув соҳасида руда таркибидаги рангли металлларни аниқлашда гамма-активлаштирилган таҳлили йўлга қўйилган. Тоғ-кон саноати учун технологик назорат қурилмалари тоғ жинслари, яъни рудалар таркибидаги олтин ва кумуш металлларини аниқлаш имконини берувчи ушбу амалий ишларимиз келажакда ҳам изчил давом этади.

«Мурунгов» конининг Марказий гамма-активлаштирилган таҳлилли лабораторияси комбинатнинг геологик-қидирув ишларига ёрдам берадиган асосий бўлинмалардан биридир. Унинг ноёблиги шундаки, лабораторияда электронларни чиқиқли тезлатгичда тормозланган гамма нурлари орқали таҳлил ишлари олиб борилади. Ўтган даврда лабораторияда қатор ўзгаришлар бўлиб берди, замонавий жиҳозлар ўрнатилди, тадқиқотларнинг янги услублари жорий этилди. Лабораторияда геологик намуналарнинг таркибидаги олтинни тезкор гамма-активлашган таҳлил қилиш жараёни йилдан йилга такомиллашиб бораётгани яна бир аҳамиятли жиҳатдир. Мазкур лаборатория, геологлар тили билан айтганда, уларнинг «қўзи» вазифасини ўтамоқда.

Олтин конларидан олинган намуналарни таҳлил қилишда аниқлик даражаси ўта юқори бўлиши шарт. Комбинатнинг Марказий илмий-тадқиқот лабораториясида кимёвий ун-

сурлар ёрдамида тоғ жинсларини таҳлил қилиш олдиндан мавжуд. Аммо катта ҳажмдаги таҳлилларни ўтказиш тезкорликни талаб қилади. Бу борада инновацион технологиялар билан жиҳозланган Марказий гамма-активлаштирилган таҳлилли лабораторияси аини муддао бўлаяпти.

Қизилқум саҳроси бағрида яшириниб ётган бойликларни самарали ўзлаштириш, аввало, шу элу юрт манфаатига хизмат қилади. Лабораторияда 0,5 килограмми махсус идишлардаги тоғ жинси таркибидаги олтин жуда қисқа вақтда, яъни 17-19 секунд оралиғида аниқланади. Тезлатгичларда электронлар оқими қувур орқали энг қисқа вақтда ёруғлик тезлигида вольфрам нишонга бориб урилади ва сингис хусусияти юқори бўлган гамма нурларини чиқариб, олтин атом ядроларини активлаштиради. Марказий гамма-активлаштирилган таҳлилли лабораториянинг ғоятда мураккаб эканлигини назарда тутиб, комбинат раҳбарияти ноёб жиҳоз ва қурилмаларни ўрнатиш баробарида ёш мутахассисларни ўқитиш, уларнинг билимини ошириб боришга ҳаракат қилмоқда.

Ҳозирги кунда битта тезлатгич ускунасида бир суткада 3,5 мингдан ортиқ намуна таҳлил қилинмоқда. Лаборатория нафақат комбинат бўлинмалари, яъни Навой, Зарафшон, Учқудуқ, Зармитан, Маржонбулоқ каби ҳудудлардаги конлардан, балки Ўзбекистон Республикаси давлат геология ва минерал ресурслар қўмитасига қарашли геологик-қидирув экспедициялари учун ҳам намуналарни таҳлил қилиб бермоқда. Таҳлил жараёнида аналитик назорат учун стандарт намуналар кенг қўлланади.

Сўнгги йилларда лабораторияда олиб борилаётган таҳлилларнинг йиллик кўрсаткичи 1 миллион 300 мингтагача намунани ташкил этмоқда. Жорий йилда лабораторияда 1,5 миллион намунани таҳлил қилиш режалаштирилган. Бунинг учун эса лаборатория жиҳозлари модернизация қилиниб, янги инновацион лойиҳалар асосида такомиллаштирилади.

Айтиш керакки, ҳозирда дунёдаги ҳеч бир физика лабораторияси

Марказий гамма-активлаштирилган таҳлилли лаборатория каби йирик ҳажмда ва тезкор таҳлил ўтказиш имкониятига эга эмас. Унинг ноёблиги сабаби ҳам аслида шунда. Дарвоқе, хорижнинг айрим муҳташам компанияларида учрайдиган замонавий лабораторияларда эса тоғ жинсларини таҳлил қилиш ҳажми анча кам.

Бугунги кунда лабораторияга босқичма-босқич замонавий асбоб-ускуналар келтирилмоқда, техник қайта жиҳозланмоқда. 2019 йилда ўлчаш-бошқариш комплекси модернизация қилинди. Тезлатгичларни совутиш тизими янгилангани туфайли технологик бўш туриб қолишларга барҳам берилди.

Мазкур лабораторияда ядро физикаси, электроника, механика соҳаларида иқтидорли маҳаллий мутахассислар фаолият юритади. Уларнинг фидойилиги ва изланишлари эвазига олтин таркибли рудаларни аниқлаш даражаси яхшиланиб борапти. Мамлакатимизда дунё миқёсидаги турли хил ярим ўтказгичли наногетероструктуралар ва нанотуркумлардан оптик нурни қабул қиладиган фотодиод, фототранзистор ва фототиристтор, инфрақизил нурни кўриш диапазонидаги нурга айлантирадиган, оптоэлектрон қурилмалар гетеролазерларнинг фундаментал асосини ривожлантиришга катта эътибор қаратиляпти.

Келгусида ишчилар қўл меҳнатини камайитириш ва тезкор маълумотларни таҳлил қилиб бориш бўйича контейнерларни, яъни намуналар солинадиган махсус идишларни идентификациялаш ишлари олиб борилмоқда. Натижада ҳар бир идиш махсус QR коди билан таъминланиб, компьютер орқали дастурлаштирилган бошқарувга ўтказилади. Шу тариқа рақамли технологиялар тизимга шиддат билан кириб келиши иш сифатини сезиларли даражада оширади. Маъданлар таркибидаги қимматбаҳо металлларни аниқлаш тезлиги ортади. Бу эса келгусида геологик-қидирув ишлари юқори сифат босқичларига кўтарилишига ҳамда давлатимиз хазинаси учун қимматбаҳо металлларни кўпайитиришга замин яратади.

ТАЪЛИМ ВА ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ИНТЕГРАЦИЯСИ – ЕТУК КАДРЛАРНИ ТАЙЁРЛАШНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ

Бахтиёр МАРДОНОВ,

Навоий давлат кончилик институти проректори

Олий таълим тизимини тубдан такомиллаштириш, иқтисодиётнинг реал сектори талабларидан келиб чиққан ҳолда кадрлар тайёрлаш мазмунини тубдан қайта кўриш, халқаро стандартлар даражасига мос мутахассисларни тарбиялаш мамлакатимиз ривожланиш стратегиясининг долзарб йўналишларидан биридир. Бинобарин, давлатимиз раҳбарининг тегишли қарори асосида қабул қилинган 2017-2021 йилларда олий таълим тизимини комплекс ривожлантириш дастури ушбу соҳада қатор ўзгаришларга замин яратмоқдаки, бунинг исботини мактаб битирувчиларини олийгоҳларга қамраб олиш даражаси йил сайин ошаётгани, нодавлат олий таълим муассасалари

сони кўпайиб, соғлом рақобат пайдо бўлаётгани каби мисолларда ҳам кўриш мумкин.

Президентимиз ташаббуси билан жорий йилнинг юртимизда «Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили» деб эълон қилиниши эса навқирон авлод вакиллари билан олиш ҳуқуқларини тўла рўёбга чиқаришда яна бир янги саҳифа очиши шубҳасиз.

Ихтисослиги бўйича Марказий Осиёда ягона ҳисобланган Навоий давлат кончилик институти ҳар йили саноат ва ишлаб чиқаришнинг турли жабҳаларига, фан ва таълимни бошқариш тизимига юзлаб ёш мутахассисларни етказиб бераётган нуфузли олийгоҳлардан. У таълим ва ишлаб чиқаришни интеграциялаштирган

йирик илмий-тадқиқот маскани ҳам ҳисобланади. Бу ерда талабалар аудиторияда олган назарий билим ва кўникмаларини амалий мустаҳкамлаши учун ишлаб чиқариш корхоналарида кафедра филиаллари ташкил этилган. Масалан, Навоий кон-металлургия комбинатининг Навоий машинасозлик заводида «Кончилик электр механикаси» кафедраси филиали фаолият юритади.

Замонавий шарт-шароитлар яратилган институтнинг кончилик, энерго-механика, кимё-металлургия факультетларида 4,4 минг нафарга яқин йигит-қиз таҳсил олмоқда. Институтнинг Нукус филиали эса қарийб 200 нафар талабани бағрига олган.

Навоий давлат кончилик институтида ёшларга сабоқ бераётган 200





дан зиёд профессор-ўқитувчиларнинг 41,5 фоизи юқори илмий даражага эга. Бунинг сабабини олийгоҳда мавжуд илмий-инновацион инфратузилма тўғрисида профессор-ўқитувчиларнинг диссертациялар ҳимоялари тўғрисида ташкил этилгани билан боғлаш мумкин. Илмий-тадқиқот лабораторияларидан самарали фойдаланиш натижасида институт олимлари биргина ўтган йилнинг ўзидан 9,4 миллиард сўмга тенг бўлган давлат грантларини, хўжалик шартномалари ва халқаро лойиҳаларни қўлга киритди.

Аҳамиятлиси, институтда назария ва амалиётнинг уйғунлигини таъминлаш борасида ибратли тажриба тўпланган. Хусусан, 2019 йили Навоий кон-металлургия комбинати базасида замонавий технопарк ташкил этилиб, у ерда институт олимлари ва иқтидорли талабалари томонидан маҳаллий корхоналар эҳтиёжлари учун ишлаб чиқариш маҳсулотларини тайёрлаш йўлга қўйилди.

Институтда буюртмачи корхона – НКМК тасдиқлаган жадвал асосида дуал тизимида ўқитиш ташкил этилган бўлиб, ҳар ўқув йилида 3-босқич талабалари учун икки марта ўтказилади. Талабаларнинг малакавий амалиётлари НКМК бўлинмаларида, «Навоий электр тармоқлари», «Навоий иссиқлик электр станцияси», «На-

воийазот», «Электрокимё заводи» акциядорлик жамиятларида, Навоий эркин иқтисодий зонаси, шунингдек, кичик корхоналар билан тузилган шартномалар асосида олиб борилади. Буюртмачи корхоналар талаб ва эҳтиёждан келиб чиққан ҳолда талабаларни узоқ муддатли амалиётга юбориш ҳам яхши наф бермоқда. Бунда талабалар ўз мутахассисликлари бўйича ишга жойлашиб, амалиёт якунида корхона томонидан ташкил этилган касб белгилаш комиссияси имтиҳонидан ўтадилар ва ишга жойлашиш имкониятини қўлга киритадилар.

Айни пайтда «Навоий кон-металлургия комбинатини 2026 йилгача Инновацион ривожлантириш дастури» бўйича институт олимлари томонидан 52 та лойиҳа доирасида илмий-тадқиқот ишлари амалга оширилаёпти. Бундан ташқари ишланмаларни тижоратлаштириш ва стартап лойиҳаларни йўлга қўйиш борасида ҳам эътирофга лойиқ натижаларга эришилмоқда. Жумладан, ана шундай илмий изланишлар якуни ўлароқ 2019-2020 ўқув йилида НКМК корхоналарида чиқитга чиқадиغان материаллар (пўлат арқон ва ёғоч)дан саноат қувурларини тозалашда ишлатиладиган сим чўткалар ишлаб чиқаришга киришилди. Навоий ма-

шинасозлик заводидан деталларга механик ишлов бериш учун бир нечта турдаги буюртмалар учун шартнома тузилди.

Шунингдек, институт олимлари ва талабалари жалб қилинган Навоий кон-металлургия комбинати базасидаги технопаркда юқори тозаликда металл қотишмалар олишга мўлжалланган ноёб вакуум – электр печи ўрнатилган. Бу ерда Навоий машинасозлик заводи инновацион бўлими билан ҳамкорликда янги, ниҳоятда чидамли қотишмалар олиш мўлжалланмоқда. 2021 йилда технопарк базасида институтнинг ишлаб чиқариш комплексини яратиш, маҳсулотлар турларини ошириш юзасидан ҳам аниқ чора-тадбирлар белгиланган. Шунингдек, институтнинг инновацион фонд маблағини 1 млрд. сўмдан ошириш ва бунинг ҳисобидан янги лабораториялар ташкил этиш режалаштирилмоқда.

Булардан кўринадики, ўқув жараёни ишлаб чиқариш билан узвий боғланган мана шундай илғор шароитда кучли, билимли, етук мутахассислар бўлиб шаклланаётган йигит-қизлар эртага албатта, мамлакатимиз кимё, машинасозлик ва тоғ-кон саноати ривожини йўлида ғайрату шижоат билан хизмат қилмоғи тайин.



КОН-МЕТАЛЛУРГИЯ САНОАТИ КОРХОНАЛАРИНИ СОЛИҚҚА ТОРТИШ МЕХАНИЗМИ: ХАЛҚАРО АМАЛИЁТ ВА ТАЖРИБА

Нурмат ДЖУЛИБЕКОВ,

Навоий кон-металлургия комбинати Бош директори ўринбосари

Насиба АШУРОВА,

Навоий давлат кончилик институти ишлар бошқармаси бошлиғи, и.ф.д., доцент

Дунёнинг кон-металлургия саноати ривожланган мамлакатларида солиққа тортиш тизими санокли солиқ турлари билан чекланган. Бунда солиқ тизимининг асосини фойда солиғи, роялти ва лицензияланган тўловлар ташкил қилади. Шу билан бирга маҳсулот ишлаб чиқариш ва ишлаб чиқарувчилар ўртасидаги рақобатни ривожлантиришни рағбатлантиришга қаратилган солиқ чегирмалари ҳамда имтиёзлари тизими ҳам амалда қўлланилади.

Бу соҳадаги халқаро амалиётни таҳлил қиларканмиз, кон-металлургия саноати корхоналарини солиққа

тортиш ўзига хос хусусиятлари ва доимий ўзгариш тенденциясига эга эканини кўрамиз. Бинобарин, ривожланаётган мамлакатларда ривожланган давлатларга нисбатан ушбу турдаги компанияларга солиқ солишининг пастроқ ставкалари белгиланган.

Шундай қилиб, илғор инфратузилма ва қулай ишбилармонлик муҳити мавжуд бўлмаганда ривожланаётган мамлакатларнинг кон қазииш тармоғи корхоналарига инвестицияларни жалб қилишнинг энг самарали механизмларидан бири солиққа тортишни тартибга солишнинг қулай тизими ва имтиёзли солиқ солишни таъминлаш ҳисобланади.

Шу билан бирга аксарият кон қазииш билан шуғулланувчи мамлакатларда геология-қидирув ишларини амалга ошириш харажатларига операцион харажатлар сифатида қаралади. Кон қазииш корхоналари мазкур харажатларни қоплаш асносида етарли миқдорда фойдага эга бўлса, ушбу харажатларни улар вужудга келган йил давомида солиқ солинадиган базадан тўлиқ чегириб ташлаш имтиёзидан фойдаланади.

Маълумки, хорижий мамлакатлардаги кон-металлургия саноати корхоналари учун солиққа тортиш тизими асосан фойда солиғи ва ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ (роялти)дан ташкил топган. Дунё-

даги кон-металлургия компаниялари мажбурий тўловларининг таркибида 33 фоиз – фойда солиғига, 27 фоиз – ер қаъридан фойдаланганлик учун роялтига, 3 фоиз – лицензия тўловларига йўналтирилган. Бундан ташқари кон-металлургия саноати корхоналари қўшимча қиймат солиғи, ер солиғи, иш ҳақидан солиқлар ва суғурта бадаллари тўлайди.

Бу ўринда таъкидлаб ўтиш жоизки, мамлакатимизда ҳам кон-металлургия саноати корхоналарини ривожлантириш мақсадида улар томонидан тўланадиган фойда солиғи, ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ (роялти)ни илғор хорижий тажрибага таянган ҳолда қайта кўриб чиқиш мақсадга мувофиқдир.

Дарвоқе, кўпгина мамлакатларда фойда солиғи федерал ва ҳудудий даражаларда иккита солиқ ставкалари йиғиндиси сифатида ўрнатилган. Алоҳида мамлакатларда (Австралия, Бразилия, Буюк Британия, Чили, ЖАР) барча солиқ тўловчилар учун ягона, фақатгина федерал солиқ ставкаси амал қилади. Кон қазииш фаолиятини рағбатлантириш мақсадида геологик-қидирув харажатларини бир марталик ҳисобга олиш орқали даромад солиғи бўйича солиқ юки камайтирилади. Конни ўзлаштириш билан боғлиқ бўлган бошқа капитал харажатлар тезкор равишда амортизация қилинади.


Ўрганишларга кўра, АҚШ, Канада, Австралия, Замбия, Жанубий Африка, Чили, Россия, Буюк Британия ва бошқа давлатларда фойда солиғининг ўртача ставкаси 26 фоизни (15 фоиздан 34 фоизгача) ташкил этади.

Фойда солиғининг юқори ставкалари роялти ставкасининг пастлиги билан боғлиқ. Айнан ушбу ҳолат кон қазииш саноати корхоналари учун мазкур икки асосий солиқ ўртасидаги балансни ифода қилади.

Баъзи мамлакатларда эса кон қазииш компаниялари учун фойда солиғининг пасайтирилган ставкалари кўзда тутилган.

Кон-металлургия саноати корхоналарини солиққа тортиш тизими ҳақида сўз борганда, яна бир муҳим жиҳат – роялти хусусида алоҳида тўхталиб ўтиш айна муддаодир. Чунки дунёнинг барча мамлакатларида табиий ресурслар эгаси давлат ҳисоб-

Турли мамлакатлардаги кончилик компанияларининг 2019 йилдаги фойда солиғи ставкаси, фоизда



лангани боис компаниялар (ер қаъридан фойдаланувчилар)нинг қазиб олинган фойдали қазилмаларни сотишдан тушган даромадларига нисбатан роялти (фойдали қазилмаларни қазиб олганлик учун солиқ) қўлланилади.

Кўпгина давлатларда роялти қатъий фоизда белгиланган бўлиб, уни ҳисоблаш учун база сифатида компаниянинг молиявий кўрсаткичлари (тушум, фойда) ёки қазиб олинган хом ашёнинг қиймати асос сифатида келтирилади. Баъзи давлатларда эса солиқ ставкалари қазиб олинган фойдали қазилмаларнинг ҳар бир турлари бўйича алоҳида белгиланади.

Қазиб олинаётган хом ашёнинг турлари ва қазиб олиш амалга оширилаётган ҳудуднинг қонунчилигидан келиб чиққан ҳолда роялти миқдори ўзгариб туради. Австралия, Замбия ва Канада каби мамлакатлар томонидан бир неча кўрсаткичларни ҳисобга олувчи роялтининг ўсиб боровчи (прогрессив) ёки аралаш (комбинацияланган) ставкалари амалиётга киритилган.

Қимматбаҳо металллар бўйича роялти ставкалари, одатда, нисбатан қиммат бўлмаган фойдали қазилмалар ставкасига мос келади ёки ҳатто ушбу ставкага қараганда нисбатан паст бўлади. Бу, ҳатто тенг ставкада ҳам, олтин қазиб олувчи компаниялар томонидан тўланадиган солиқлар йиғиндисининг мутлақ қийматда ан-

ча юқорилиги билан тушунтирилади (ставка жуда юқори солиқ базасига нисбатан қўлланилади). Шунингдек, қимматбаҳо металллар қазиб олувчи компанияларнинг юқори маржиналиги сабабли уларга фойда солиғининг нисбатан юқори юки тўғри келади. Жами бу солиқ солишнинг нисбатан юқори самарали ставкасига олиб келади.

Жаҳон амалиётида кон саноати компаниялари фаолиятининг рентабеллигини қўллаб-қувватлаш ва солиқ юкини камайтириш мақсадида ер қаърида фойдали қазилмаларнинг камайтириш, ишлаб чиқаришнинг мураккаблиги ва конларнинг узоқлигини ҳисобга олган ҳолда роялтининг пасайтирилган коэффициенти қўллаш ҳолатлари ҳам мавжуд. Шу билан бирга дунё миқёсида ўртача роялти даражаси 5 фоиздан ошмайди.

Рангли металллар бўйича эса хорижий мамлакатларда ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ (роялти) ставкасининг ўртача миқдори 6 фоизни ташкил қилади.

Умуман олганда, кон саноати компанияларининг фаолияти бошқа фаолият турларидан жиддий фарқ қилади, чунки улар фақат лойиҳа асосида иш олиб боради (ҳар бир кон алоҳида лойиҳа ҳисобланади). Ушбу омилларни инобатга олган ҳолда кон қазииш корхоналарини солиққа тортиш тартибида ҳам қатъий мезон йўқ ва даромадларни давлат

2-расм

Турли мамлакатларда кон қазииш компаниялари учун роялти ставкалари (2019 йил), фоизда



фойдасига ундириш иккита асосий механизмга – фойда солиғи ҳамда роялтига асосланади. Ўз навбатида булар давлатга ҳар бир алоҳида лойиҳа учун сармоядорлар режалаштирган фойда меъёри, бюджетга керакли солиқ тушумлари ва кон қазииш тармоғининг инвестицион жозибadorлигини сақлаб қолган ҳолда асосий кўрсаткичларга эришиши учун давлат томонидан қабул қилинадиган хавф даражасидан келиб чиқиб, мазкур солиқларнинг ҳар хил комбинацияси орқали солиқ юкини самарали бошқариш имконини беради.

Халқаро амалиётда кон қазииш саноати компанияларининг лицензия тўловларини ҳам амалга оширишига дуч келамиз. Аслида ушбу амалиёт лицензияга эга компанияларнинг ер қаъри участкаларидан фойдаланиш ҳуқуқини тасдиқлайди ҳамда унинг чегаралари, мақсади, муддати ва фойдаланиш шартларини белгилайди. Бунда мазкур тўловлар роялтидан алоҳида ундирилиши ёки унинг таркибига киритилиши мумкин. Энг қизиғи, кон саноати компанияларининг лицензия тўловлари миқдорини аниқлашда ягона ёндашувни кўрмаймиз. Масалан, Австралия, АҚШ,

Канада, Россия, Чили, Жанубий Африка Республикасида ер қаъридан фойдаланганлик учун бир марталик тўлов ва кейинчалик мунтазам равишда лицензия тўловларини амалга ошириш кенг тарқалган. Уларнинг айримларида мунтазам лицензия тўловлари миқдори иқтисодий ва географик шароитлар, ер участкасининг ҳажми, фойдали қазилманинг турлари, кон ишларнинг давомийлиги, ҳудуднинг геологик жиҳатдан ўрганилганлиги ва хавфлилик даражасидан келиб чиққан ҳолда аниқланади.

Мамлакатимизда эса кон-металлургия саноатида лицензия тўловлари мавжуд эмас. Кон-металлургия корхоналари маълум бир ер қаъри майдонида қазииш ишларини олиб бориши учун давлат фойдасига бир марталик тўловни амалга оширади.

Шуниси аниқки, бой табиий ресурсларга эга ва жадал ривожланиш сари интилаётган ҳар қандай давлат қулай инфратузилма ҳамда ишбилармонлик муҳитини яратиш учун айна соҳада солиқ режимларини илғор халқаро тажрибалар негизда тартибга солиши ҳаётий заруратдир. Кон қазииш корхоналарига солиқ юкини камайтирадиган солиқ имтиёзларини бериш инвестицияларни кенг жалб қилишнинг муҳим кафолати саналади.



КОН-МЕТАЛЛУРГИЯ САНОАТИ КОРХОНАЛАРИДА СТРАТЕГИК БОШҚАРУВ ҲИСОБИНИ ТАШКИЛ ҚИЛИШ МЕЗОНЛАРИ

Умиджон КОСТАЕВ,

*Навоий кон-металлургия комбинати режа-иқтисод
бўлими бошлиғи, иқтисод фанлари доктори*

Кон-металлургия саноати Ўзбекистон иқтисодиётининг локомотиви ҳисобланади. Айнан у қайта ишлаш секторининг муҳим тармоқларидан бири бўлиб, мамлакатимиз экспорт салоҳиятини оширишда салмоқли ўрин тутди.

Бугунги кунда юртимизда кон-металлургия саноатини жадал ривожлантириш, шу жумладан, геологик тадқиқотлар ва хорижий инвестицияларни жалб қилишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Мазкур соҳада барқарор ривожланиш стратегиясига эга бўлган Навоий кон-металлургия комбинатининг ютуқлари эътирофга лойиқ.

Президентимизнинг 2017 йил 1 мартдаги «Навоий кон-металлургия комбинатида 2026 йилгача қимматбаҳо металл ишлаб чиқаришни кўпайтириш бўйича қўшимча чоратадбирлар Дастури тўғрисида»ги қарорига мувофиқ комбинатда умумий қиймати 3 418 миллион доллар бўлган 27 та йирик инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш белгиланган. Дастур доирасида 2017-2020 йилларда жами 1 682 миллион доллар капитал қўйилмалар ўзлаштирилди, умумий қиймати 1 480 миллион долларга тенг 10 та лойиҳа ишга туширилди ва 8 300 дан ортиқ иш ўринлари яратилди. Ўз навбатида олтин ишлаб чи-

қариш ҳажми 10 фоизга, кумуш ишлаб чиқариш эса 45 фоизга ошди.

Ривожланган давлатлар тажрибаси шундан далолат берадики, мамлакатнинг муваффақиятли ижтимоий-иқтисодий ривожланиши кўп жиҳатдан стратегик режалаштиришдан давлат бошқаруви инструменти сифатида фойдаланишга боғлиқ. Бундай режалаштиришнинг асосини мамлакат миқёсида, унинг ҳудудлари ва тармоқлари бўйича ишлаб чиқилган ўрта ва узоқ муддатли ижтимоий-иқтисодий ривожланиш прогнозлари, стратегиялари ва концепциялари ташкил қилади.

Белгиланган мақсадга эришиш йўлида ресурслардан самарали фойдаланиш ва, энг асосийси, мақсадга эришишнинг оптимал йўллари ишлаб чиқиш учун тўғри қарорлар қабул қилиш бўйича объектив воситаларни тақдим этадиган восита – бу стратегик бошқарув ҳисобидир. Ривожланган бозор иқтисодиётига эга мамлакатларда стратегик бошқарув ҳисоби стратегик бошқарув қарорларини қабул қилиш мақсадида ахборот таъминоти шаклландиган бошқарув ҳисобининг бир йўналиши сифатида келтирилади.

Стратегик бошқарув ҳисобининг нисбатан қисқа муддат мобайнида алоҳида илмий йўналиш сифатида шаклланиб келаётганлиги мазкур со-

ҳанинг концептуал асослари етарли даражада ишлаб чиқилмаганлиги, стратегик бошқарув ҳисобининг хўжалик юритувчи субъектлар ҳисобтаҳлил тизимидаги ўрни тўғрисидаги мунозарали саволларнинг мавжудлиги ва терминологик равшанликнинг йўқлигидан далолат беради. Қолаверса, стратегик бошқарув ҳисоби методологиясини такомиллаштириш бўйича назарий ва амалий ишланмаларнинг етарли эмаслиги мазкур ҳисоб назарияси ҳамда амалиётини янада чуқурроқ тадқиқ қилиш заруриятини келтириб чиқаради.

Кон-металлургия саноати корхоналарида самарали тарзда ташкил қилинган ва юритилаётган стратегик бошқарув ҳисоби тизими раҳбарларга стратегик бошқарув қарорлари қабул қилиши учун маълумотларни камида 3 ўлчамда тақдим этиши керак:

- мулк эгалари (акциядорлар) манфаатларини ҳисобга олган ҳолда;
- хўжалик юритувчи субъектнинг мавжуд ресурслари ва билим салоҳиятини ҳисобга олган ҳолда;
- фаолиятга таъсир кўрсатувчи ташқи муҳит омилларини ҳисобга олган ҳолда.

Қайд этиш жоизки, хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини бошқаришда билим томонидан ёндашув нафақат стратегик бошқарув ҳисоби



предмети доирасини кенгайтириши, балки унинг умумий стратегик бошқарув тизимидаги ўрнини тўлиқ асослаш имкониятини беради.

Хўжалик юритувчи субъектнинг билим салоҳиятини ташкил қилувчи кўрсаткичлар ўлчами алоҳида ёндашув ва ҳисоб-китобларни талаб қиладиган моддалардан иборат. Хусусан, хўжалик юритувчи субъект имижини белгиловчи кўрсаткичлар блоки хўжалик юритувчи субъектдаги корпоратив яқдиллик, шаклланган меҳнат ва ижро интизоми даражалари, миқдорлар ва мулк эгалари билан муносабатлар ҳолати, менежерлар ва мутахассисларнинг ўз вазифаларини бажариш сифати, уларнинг интеллектуал салоҳияти, хорижий тилларни билиши, ижтимоий масъулияти, хўжалик юритувчи субъектда ўрнатилган регламентларнинг жаҳон цивилизацияси меъёрларига мос келиши каби моддаларни бирлаштиради.

Мазкур кўрсаткичларни ҳисобга олишда фойдаланиладиган воситалар, усуллар ва технологиялар ноанъанавий табиатга эгадир. Масалан, уларни ҳисобга олишда «диапазонли

балл» тизимидан фойдаланиш мумкин. Худди шунингдек, мазкур кўрсаткичларни мажмуавий таҳлил қилиш ва баҳолашда кўп вариантли режалаштириш, дастурлаш ва таққослама таҳлил, SWOT таҳлил, стратегик имкониятларни моделлаштириш усуллари, функционал қиймат таҳлили ҳамда аноним анкета сўровларини ўтказиш, ижтимоий фикрларни ўрганиш усуллари ҳам фойдаланиш мумкин.

Энг муҳим масала – бу хўжалик юритувчи субъект фаолиятини ривожлантириш бўйича стратегик бошқарув қарорларини қабул қилиш учун фақат иқтисодий маълумотлар мажмуасини ҳисоблаш ва таҳлил қилишдан ташқари қўшимча тарзда хўжалик юритувчи субъектнинг умумий билим даражасини ифодаловчи кўрсаткичларини инобатга олиш керак.

Биз билимларни динамик концепция сифатида кўрамиз – стратегик бошқарув ҳисоби тизимида нафақат уларнинг мустақамланиши, балки доимий янгиланиши, долзарблашуви ва тақдим қилиниши содир бўлади. Шунга кўра кон-металлургия сано-


ати корхоналарининг стратегик фаолиятини мажмуавий баҳолаш бўйича барча хусусиятларини атрофлича акс эттириш ва белгиланган стратегияни амалга ошириш мақсадларига хизмат қиладиган тизимни яратиш лозим. Мазкур тизимда молиявий кўрсаткичлардан ташқари ноанъанавий табиатга эга омиллар ҳамда кўрсаткичларнинг таъсири ҳисобга олинadиган механизм жорий этилиши керак. Бунинг учун хўжалик юритувчи субъектларнинг стратегик фаолиятини мажмуавий баҳолаш бўйича барча хусусиятларини атрофлича акс эттиришга хизмат қиладиган стратегик салоҳият кўрсаткичлар мажмуасини ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқдир.

Стратегик салоҳият кўрсаткичлар мажмуаси тизимининг ўзига хос хусусиятларини унинг динамиклиги ва эгилувчанлигида кўриш мумкин.

Кон-металлургия саноати мутахассислари фойдали қазилмаларни ўзлаштириш стратегиясини ишлаб чиқиш методологияси бўйича қуйидаги моделларни ажратиб кўрсатади:

- индикатив режалаштириш моделлари;

Стратегик салоҳият кўрсаткичларининг ўзаро алоқаси



- истиқболли режалаштириш моделлари;
- стратегик прогнозлаштириш моделлари.

Мазкур моделларнинг ишлаш механизми кон-металлургия саноати корхоналари фаолиятида ҳар бир қазилма конлари ва технологик жараёнлар бўйича бир-биридан фарқ қилади.

Белгиланаётган стратегик мақсадга эришишнинг самарали йўллари аниқлаш, таҳлил қилиш, улардан оқилона фойдаланиш, ресурсларни тежаш ҳамда улардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш стратегик бошқарув ҳисобининг асосий вазифасидир. Кон-металлургия саноати корхоналарида шу вазифани стратегик салоҳиятни баҳолаш ва таҳлил қилиш орқали рўёбга чиқариш керак.

Хўжалик юритувчи субъектнинг стратегик мақсадларига эришишида

стратегик салоҳиятдан самарали фойдаланиш учун захирада мавжуд бўлган ёки фойдаланилаётган ресурслар, ташкилий билимлар, ваколатлар ва имкониятларни умумлашган комплекс хусусиятлар сифатида олиб кўриш лозим. Бунда хўжалик фаолиятининг икки муҳим жиҳати – стратегик ривожланиш ва ишлаб чиқариш туташувини белгилаш орқали стратегик салоҳиятни ҳисоблаш айти муддао.

Ташқи таъсир кўрсатувчи омиллар ўзгармаган ҳолатда бизнеснинг ушбу биринчи туташувидан фойдаланиш ишлаб чиқаришнинг ўсиши ва фаолиятнинг узлуксиз давом этишини таъминлаб берадиган асосий манба бўлиб хизмат қилади. Бироқ фақат ишлаб чиқариш туташувининг узоқ муддатли истиқболда мавжудлиги етарли эмас. Ҳар қандай хўжалик юритувчи субъектнинг ривожланиш истиқболлари, мавжуд ресурслардан

тежаб фойдаланиш, уларнинг миқдорини имкон қадар кенгайтириш, рақобат мавқеини мустаҳкамлаш, бошқарув кўникмаларини ривожлантириш, қобилият ва ташкиллаштириш билимларига эга бўлишга боғлиқ. Бунинг баробарида у энди бизнеснинг мавжуд шarti бўлган ишлаб чиқаришга эмас, балки ташқи ва ички муҳит талаблари ўзгариши орқали аниқланадиган инновацион ҳамда ички ўзгартиришлар жараёнларига ҳам бевосита дахлдор бўлиб боради. Ривожланиш туташуви орқали корпоратив билимлар ошиши, инновация ва сармоя жараёнлари татбиқ этилади.

Хулоса шуки, стратегик бошқарув ҳисоб тизимида стратегик салоҳиятнинг дуал табиати у ҳақида комплекс тасаввурга эга бўлиш имконини беради ҳамда уни баҳолашда ҳар томонлама мажмуавий ёндашиш учун шарт-шароит яратади.

БАРҚАРОР ИШ ҲАВВАЛАРИНИ ЯРАТИШ – ФАРОВОНЛИК НЕГИЗИ

Беҳзод ТАҒАЕВ, иқтисод фанлари доктори

Меҳнат потенциалидан самарали фойдаланиш, аҳоли бандлигининг юқори ва ишсизликнинг паст даражасини таъминлаш – ҳар бир мамлакат олдида турган долзарб вазифа ҳисобланади. Зотан, аҳоли бандлик даражаси иқтисодий ривожланишнинг асосий кўрсаткичларидан бўлиб, жамиятнинг салоҳияти ва иштирокини белгилайди. Чунки инсон ўзининг энг зарур ҳаётий эҳтиёжлари ва имкониятларини ўзлаштириш ва салоҳиятидан келиб чиқиб ишлаб топган даромади орқали таъминлайди.

Давлатимиз раҳбарининг ўтган йили 11 августдаги «Камбағал ва ишсиз фуқароларни тадбиркорликка жалб қилиш, уларнинг меҳнат фаоллигини ошириш ва касб-ҳунарга ўқитишга қаратилган ҳамда аҳоли бандлигини таъминлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори асосида Ўзбекистон Республикасининг 2030 йилгача аҳоли бандлиги стратегиясини ишлаб чиқиш белгиланди.

Стратегиянинг мақсадли кўрсаткичлари мамлакатимиз томонидан қабул қилинган Барқарор ривожланиш миллий мақсадлари индикаторлари, Халқаро Меҳнат Ташкилотининг асосий конвенцияларига ҳамда қабул қилинган халқаро мажбуриятларга мос келиши муҳим. Шу билан бирга, Стратегия 2030 йилгача бўлган даврда бандликни рағбатлантириш соҳасида амалга ошириладиган дастур ва чора-тадбирлар билан қамраб олишни кенгайтириш, фойдаланиладиган воситалар ва механизмларни такомиллаштириш, тизимни мониторинг қилиш ва баҳолаш асосида ушбу соҳада олиб бориладиган ишлар самарадорлигини ошириши назарда тутилган.

Ўзбекистонда меҳнат бозорининг ўзига хос хусусиятлари аҳолининг ўсиш суръатлари юқорилиги, ҳар йили 500-600 минг нафар меҳнатга лаёқатли ёшдаги фуқароларнинг меҳнат

бозорига кириб келиши, меҳнат ресурсларининг маълумотли ва нисбатан юқори малакаси билан ажралиб туради.

Прогнозларга кўра, 2035 йилга келиб мамлакатимиз аҳолиси 43-44 млн. кишига етади. Ушбу ҳолат меҳнат бозори ва, умуман, иқтисодиётга катта босим кўрсатиши табиий. Айни дамда бандликни таъминлаш масаласи янада устуворлик касб этиб, макроиқтисодий сиёсат, авваламбор, янги иш ўринларини яратишга қаратилган тезкор чоралар кўрилишини талаб қилади.

2020 йил 1 январь ҳолатига кўра, иш билан банд аҳолининг сони 13,5 млн. нафарни, шундан расмий секторда банд бўлганлар 5,7 млн. нафарни (42%) ташкил қилган. Сўнгги йилларда норасмий меҳнат муносабатларини расмийлаштиришни рағбатлантириш мақсадида солиқ юкини камайтириш бўйича қатор чоралар кўрилмоқда. Хусусан, ўзини ўзи банд қилганларнинг 67 турдаги бир қатор тоифалари учун қисман ижтимоий суғурта, шунингдек, ўзини ўзи банд қилганларнинг фаолиятни рўйхатдан ўтказишда соддалаштирилган тартиб жорий этилди.

Шу ўринда ногиронлиги бўлган шахслар бандлигини таъминлашни рағбатлантириш мақсадида ижтимоий ҳимояга муҳтож одамларни квотадан ортиқ ишга ёллаган ҳамда уларга иш ўринлари яратадиган иш берувчилар учун ҳам турли қўшимча имтиёзларни амалиётга киритиш мақсадга мувофиқ, деган фикрдамиз.

2020 йилда Ўзбекистон Республикасининг «Аҳоли бандлиги тўғрисида» ги Қонуни янги таҳрири қабул қилинди ва унда замон талабларига мос ҳолда бандлик, янги иш ўринлари яратиш, меҳнат муносабалари, ўзини ўзи банд қилган шахслар, ҳақ тўланадиган жамоат ишларини ташкил этиш, ташқи меҳнат миграцияси, касбий малака ва билимларни ривожлантириш миллий тизими, «Яго-

на миллий меҳнат тизими» идораларaro дастурий-аппарат комплексини юритиш масалалари қамраб олинди. Мазкур ҳуқуқий ҳужжат нормалари эндиликда ўзининг ҳаётий таъдиғини топиши мамлакатимиз меҳнат бозорида мавжуд талай муаммоларга барҳам бериб, ишсизлик ва унинг ортидан келадиган камбағалликнинг олдини олиши муқаррар.

Лекин, айтиш керакки, аҳоли бандлигига кўмаклашиш бўйича кўриладиган чора-тадбирларга қарамай, меҳнат бозорида талаб ва таклифнинг сифат хусусиятлари бўйича барқарор номуносабликлар сақланиб қолмоқда. Хусусан, иш изловчиларнинг катта қисми мавжуд бўлган (1,6 миллиондан ортиқ киши) шароитда кўп миқдордаги бўш иш ўринлари мавжуда (100 мингдан ортиқ). Бу иш берувчи ва ходимларнинг билим ҳамда кўникмалар, иш ҳақи даражаси ва иш билан таъминлаш харажатлари бўйича талабларига мос келмаслигини кўрсатади.

Ўрганишлар вақант иш жойларининг мавжудлигига биринчи навбатда таклиф этиладиган иш ҳақи миқдорининг пастлиги сабаб бўлаётганини кўрсатади. Шунингдек, иқтисодиётнинг расмий секторида иш ҳақининг пастлиги ҳамда соҳа ва тармоқларда унинг сезиларли таъвофути ҳам меҳнат бозорида норасмий бандлик кўламининг ортишида муҳим роль ўйнамоқда.

Масалан, 2020 йилнинг III-чораги бўйича ўртача иш ҳақи 2,58 минг сўмни, шу жумладан, иқтисодиёт соҳалари ўртача иш ҳақи: банк-молия – 5,8 млн. сўм, ахборот ва алоқа – 4,3 млн. сўм, саноат – 3,8 млн. сўм, қурилиш – 3,2 млн. сўм, таълим – 1,9 млн. сўм, соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар – 1,8 млн. сўмни ташкил қилган. Ваҳоланки, ривожланган давлатларда энг обрўли ва юқори маошга эга бўлган касб эгалари ўқитувчилар ва шифокорлар ҳисобланади. Ўзбекистонда эса таълим ва

соғлиқни сақлаш соҳаси ходимларининг иш ҳақи миқдори мамлакатдаги ўртача иш ҳақи даражасининг 0,71 фоизига тенгдир. Шу маънода, Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг «Оддий муаллим 1000 доллар иш ҳақи олмаса, у ишга келиши керак эмас. Шифокор ҳам худди шундай, 1000 доллар олмаса, эртага уйга бориб боласини, набирасини қандай боқади? Қилишимиз мумкинми? Мумкин» дея ани муаммага диққат қаратгани бежизга эмас.

Бугунги кунда меҳнат соҳасига замонавий АКТни жорий этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. «Ягона миллий меҳнат тизими» (ЯММТ) идораларо аппарат-дастурий комплексининг иш бошлаши — меҳнат шартномалари, ходимларнинг иш стажси (электрон меҳнат дафтарчаси) тўғрисидаги маълумотлар, бўш иш ўринлари, ҳудудлар ва тармоқлар шароитида ишчи кучига талаб ва таклифнинг таркибини акс эттирувчи ахборот база ҳисобланади.

ЯММТ аҳоли бандлигини таъминлашга қаратилган бошқа қўйи тизимларни ҳам бирлаштиришга имкон беради («Меҳнат миграцияси» АТ, «Mehnat.uz» АТ ва бошқалар). Бу эса ўз навбатида, аҳоли бандлигига кўмаклашиш марказлари томонидан кўрсатиладиган хизматлар сонини кўпайтиришни, уларни рақамли форматга ўтказишни талаб қилади.

Яна бир муҳим жиҳат. Ҳозирги кунда амалиётда шакллантириладиган аҳоли бандлиги ва меҳнат бозорининг асосий кўрсаткичлари Халқаро меҳнат ташкилоти (ХМТ) стандартларига мувофиқ эмас ҳамда амалдаги услубияти Меҳнат статистикаси халқаро конференцияси (МСХК) резолюцияларига тўлиқ мос келмайди.

Маълумки, меҳнат статистикаси Давлат статистика қўмитаси ва Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги томонидан амалга оширилади. Банд аҳоли сони тўғрисидаги маълумотларни Давлат статистика қўмитаси корхона ва ташкилотларнинг статистик ҳисоботлари, ишчи кучи кузатувлари натижалари, солиқ органларининг маълумотлари, шунингдек, таълим муассасалари ўртасида кундузги шаклда ўқувчилар сони бўйича ўтказилган давлат статистика кузатувлари маълумотлари асосида шакллантиради.

Ўзбекистонда меҳнат бозорининг асосий кўрсаткичлари (минг киши)

Кўрсаткичлар	2017 й.	2018 й.	2019 й.	2020 й.
Иқтисодий фаол аҳоли	14357,3	14641,7	14876,4	14797,9
Иш билан бандлар, жами	13520,3	13273,1	13541,1	13239,6
Шундан:				
Иқтисодиётнинг расмий секторида бандлар	5280,6	5403,0	5712,1	5732,4
Расмий секторда бандларнинг улуши	39,8	40,7	42,2	43,3
Иқтисодиётнинг норасмий секторида бандлар	6906	5485,3	5368,2	5668,9
Норасмий секторда бандларнинг улуши	52	41,3	39,6	42,8
Ишсизлар	837	1368,6	1335,3	1558,4
Ишсизлик даражаси, фоиз	5,8	9,3	9,0	10,5
Чет элда ишлаш учун кетганлар	1333,7	2384,8	2460,7	1838,2
Меҳнат ресурслари	18666,3	18829,6	19007,8	19142,3

Ўзбекистонда сўнгги тўрт йилда норасмий меҳнат билан бандлик даражаси 52 фоиздан 42,8 фоизга тушган (2030 йилгача ушбу кўрсаткични 20 фоизгача қисқартиришнинг мақсадли прогноз параметрларини ишлаб чиқиш зарур). Иқтисодиётнинг расмий секторида банд бўлган улуши мос равишда 39,8 фоиздан 43,3 фоизга ошганлигини эса меҳнат муносабатларини расмийлаштиришга қаратилган чора-тадбирларнинг ёрқин натижаси дейиш мумкин.

Лекин ҳали-ҳануз баъзи ҳолларда меҳнат статистикасида норасмий меҳнат билан бандлар қаторига чет элга ишлаш учун кетганларни киритиш ҳолатларини кузатиш мумкин. Бу ҳолат халқаро меъёрларга мутлақо зид бўлиб, меҳнат статистикаси ҳисоботида англашилмовчиликларни келтириб чиқаради. Аслида давлатимиз раҳбарининг 2018 йил 5 майдаги «Ўзбекистон Республикасининг ташқи меҳнат миграция тизимини янада такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорига мувофиқ 2018 йил 1 августдан хусусий меҳнат шартномалари бўйича меҳнат фаолиятини амалга ошириш учун хорижга кетаётган фуқароларга Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги томонидан белгиланадиган тартибда ихтиёрий рўйхатдан ўтиш таомилини жорий этган ҳолда, хорижда меҳнат фаолиятини амалга ошириш учун рухсатнома бериш тартиби бекор қилинган. Қолаверса, бу фуқаролар Молия вазирлиги ҳузуридаги Бюджетдан ташқари пенсия жамғар-

масига энг кам иш ҳақининг тўрт ярим баравари миқдорида йиллик суғурта тўловларини ихтиёрий равишда амалга ошириши, бунда тўловлар амалга оширилган даврлар белгиланган тартибда меҳнат стажига қўшилиши белгиланган. Айтмоқчимизки, бу тартиблар ҳам хорижда меҳнат фаолиятини амалга ошириш учун кетганларни республика иқтисодиётининг норасмий секторида бандлар қаторига киритишга асос йўқлигини кўрсатади.

Ташқи меҳнат миграцияси мамлакатимизда меҳнат бозоридаги кескинликни юмшатовчи «ёстиқ» ёки «амортизатор» вазифасини бажаради. Ташқи меҳнат мигрантларининг сони ўртача 2,5 миллион кишини ёки банд бўлган аҳолининг деярли 20 фоизини ташкил этади (уларнинг пул ўтказмалари 2019 йилда 6,1 млрд. АҚШ долларига етган).

Аёнки, ташқи меҳнат миграцияси юқори кўлами (банд бўлган аҳолининг 20 фоизидан кўпроғи) мамлакатда иш жойларининг етишмаслиги, иш ҳақининг нисбатан пастлиги ва бошқа омиллар билан боғлиқ. Ташқи меҳнат миграцияси Ўзбекистон иқтисодиётига сезиларли таъсир кўрсатишига қарамай (ташқи меҳнат мигрантларининг пул ўтказмалари ҳажми ЯИМнинг 10-15 фоизига тенг), инсон капиталидан мамлакат тараққиёти учун янада кенг фойдаланиш чораларини кўриш, бошқача айтганда, хорижга иш излаб кетадиганлар сонини камайитириш, бунинг учун эса барқарор иш ўринларини яратишни жадаллаштириш ҳаётий заруратдир.

ХИЗМАТ КЎРСАТИШ СОҲАСИ – АҲОЛИ БАНДЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ

Лутфулло ҚОДИРОВ, Қарши давлат университети
«Иқтисодиёт ва сервис» кафедраси ўқитувчиси

Хизматлар соҳасининг ривожланиш босқичлари узоқ давр мобайнида шаклланиб борган. Тадқиқотлар шуни кўрсатадики, ушбу соҳа босиб ўтган тарихий йўл жуда мураккаб ва унда вужудга келган илмий нуқтаи назарлар, ғоялар кенг мазмунга эга.

Аҳолининг турмуш даражаси ва сифати яхшиланиши бевосита хизмат кўрсатиш соҳасининг ривожланиш даражасига боғлиқ. Шу сабабли ҳам мустақилликнинг дастлабки йилларидан мазкур соҳани такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратилди. Ўзбекистон мустақилликдан кейинги қисқа давр ичида хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш ва унда аҳоли бандлигини таъминлаш бўйича салмоқли тажриба тўплади. Буни мамлакатда хизмат кўрсатиш соҳасининг ижтимоий-иқтисодий тараққиётдаги ўрнини мустаҳкамлаш йўлида олиб борилаётган макроиқтисодий сиёсатда ҳам кўриш мумкин.

Хизматлар соҳасини ривожлантириш аҳоли бандлигини оширишда муҳим аҳамият касб этади. Ўз навбатида унга таъсир этувчи омилларни аниқлаш, таҳлил қилиш ва шу асосда ҳали ишга солинмаган имкониятларни излаб топишни тақозо этади. Республикамиз вилоятлари орасида Қашқадарё вилоятида аҳоли жон бошига тўғри келадиган хизматлар ҳажми 1510,9 минг сўмни ташкил этиб, мамлакатимиз бўйича энг юқори кўрсаткичларни намоён қилаётган Тошкент вилоятида аҳоли жон бошига тўғри келадиган хизматлар ҳажмидан қарийб икки марта камдир.

Таъкидлаш керакки, юртимизда хизмат кўрсатиш соҳасида яратилган маҳсулотлар ҳажми йилдан-йилга ўсиб бормоқда. Жумладан, 2015 йилда хизмат кўрсатиш соҳаси жадал суръатлар билан ривожланиб, унинг ЯИМ таркибидаги улуши 48,7 фоизни ташкил этди, 2016 йилда эса у 49,5 фоизга етди. Бундай ўсиш динамикаси 2019-2020 йилларда ҳам изчиллик касб этди. Гарчи ўтган йили коронавирус пандемияси иқтисоди-

ётнинг барча соҳаларига, инчунун, хизмат кўрсатишга ҳам ўз таъсирини ўтказиб, карантин чекловлари айрим тармоқларни таназзулга учратган бўлса-да, айнан аҳоли талабидан келиб чиқиб айрим хизматлар (алоқа-ахборотлаштириш, соғлиқни сақлаш, етказиб бериш хизматлари)нинг кенгайиши соҳа ривожига жиддий узилишларга барҳам берди.

Шубҳасиз, хизмат кўрсатиш соҳаси аҳоли бандлигини таъминлашда энг катта захиралардан бири ҳисобланади. Мамлакатимизда ҳозирда унинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши 35 фоизни ташкил этади. Халқаро меҳнат ташкилоти таҳлилларига кўра сервис индустриясининг 1 фоизга ўсиши камбағаллар сонини 1,5 фоизга қисқартиради.

Айтиш ўринлики, мамлакатимизда Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги меҳнат ресурслари, аҳоли бандлиги ва ишга жойлаштириш балансини ишлаб чиқиш, бандлик масаласи бўйича уй ҳўжаликлари ўрганиш, шунингдек, ишга жойлаштиришга эҳтиёж сезаётган аҳоли сонини аниқлашни янги методика бўйича амалга оширмоқда.

Камбағаллик ва ишсизлик муаммоларини ҳал этишнинг самарали усули албатта, унинг олдини олишдир. Бу муаммоларнинг келиб чиқиш сабаблари чуқур ва тўлалигича ўрганилмас экан ёки унинг олди олинмас экан, аҳоли бандлигини таъминлаш борасида ҳамон кузатилаётган муаммолар ҳам ўз ечимини топмайди. Ишсизлик корхоналарда кўп жihatдан «кадрларнинг кўнимсизлиги» натижасида юзага келади. Айниқса, хизмат кўрсатиш корхоналарида кадрлар кўнимсизлигининг келиб чиқиш сабаблари тўғрисида аниқ ва эътиборга молик маълумотлар деярли йўқ. Бу борада жўяли ҳисоб-китоблар ҳам юритилмайди. Амалдаги статистик ҳисоботларда эса кадрларни ишдан бўшаш сабаблари кўрсатилмайди, фақатгина ишга қабул қилинганлар ва ишдан кетганлар сони келтирилади. Ушбу маълумотлардан

фақатгина кадрлар кўнимсизлик даражасини аниқлашда ва уларни баҳолашда фойдаланиш мумкин.

Юқорида келтирилган муаммолар ичидан энг долзарби хизмат кўрсатиш соҳасидан ортган меҳнат ресурсларини иш билан таъминлаш ҳисобланади. Бу меҳнат ресурслари сафига келиб қўшилаётганларнинг бандлигини кафолатлаш, хизмат кўрсатиш соҳасидаги ходимларнинг малакавий кўникмасини ва меҳнат унумдорлигини янада ошириш масалаларидан ҳам мураккабдир. Хизмат кўрсатиш соҳасидаги ходимларнинг малакавий кўникмаси ёки меҳнат унумдорлиги ЯИМ ҳажмининг камайишига ва сифатига таъсир этса-да, мамлакат тараққиёти учун жуда катта ижтимоий муаммони келтириб чиқармайди. Хизмат кўрсатиш соҳасидан ортган меҳнат ресурслари эса ишсизлар сонини оширади. Шунинг учун бу соҳани қайта кўриб чиқиш асносида аҳоли бандлиги масалалари кескинлашининг олдини олиш учун қуйидаги ёндашувлар тавсия этилади:

- биринчиси, хизмат кўрсатиш соҳасидан ортган меҳнат ресурсларини иш билан таъминлаш;

- иккинчиси, меҳнат ресурслари сафига келиб қўшилаётганларни иш билан таъминлаш.

Шуниси аниқки, хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш молиявий кўмаксиз рўёбга чиқмайди. Шу маънода Президентимиз томонидан хизмат кўрсатиш лойиҳалари учун Тикланиш ва тараққиёт жамғармасидан 100 млн. доллар ёки 1 трлн. сўмдан зиёд кредит ресурслари ажратиш тўғрисида қарор қабул қилингани айни муддао бўлди. Бу маблағлар ҳам давлат, ҳам хусусий банклар орқали ажратилиши ва кредит ставкаси 15 фоиздан ошмаслиги яна бир эътиборли жиҳатдир. Мана шундай қўллаб-қувватлаш самарасида юртимизда хизматлар соҳасининг равнақ топиши, шубҳасиз, аҳоли бандлигини ва турмуш фаровонлигини юксалтиришда ҳал қилувчи роль ўйнайди.

ЎЗБЕКИСТОНДА АЁЛЛАР ВА БОЛАЛАР ҲОЛАТИ: МУЛЬТИИНДИКАТОР КЛАСТЕР КУЗАТУВЛАРИ



Баҳодир БЕГАЛОВ,
Ўзбекистон Республикаси Давлат
статистика қўмитаси раиси



Мунир МАМЕДЗАДЕ,
Бирлашган Миллатлар Ташкилоти
Болалар жамғармасининг (ЮНИСЕФ)
Ўзбекистондаги ваколатхонаси раҳбари

1995 йилдан буён дунёда халқаро тан олинган аёллар ва болалар ҳолати тўғрисидаги мультииндикатор кластер кузатуви (MICS) ўтказилиб келинади ва ҳозирга қадар 115 дан ортиқ давлатларда 330 га яқин кузатувлар ҳисобга олинган.

Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси раиси Баҳодир Бегалов ва Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Болалар жамғармасининг (ЮНИСЕФ) Ўзбекистондаги ваколатхонаси раҳбари Мунир Мамедзаде мазкур кузатув дастури Ўзбекистонда қандай амалга оширилиши ва нима учун Ўзбекистоннинг ривожланиш мақсадлари ва устувор йўналишларини назорат қилиш учун муҳим эканлиги борасида Давлат статистика қўмитаси Ахборот хизмати раҳбари Усмон Абдурасуловнинг баъзи саволларига жавоб бердилар.

– Кўп кўрсаткичли кластер тадқиқотининг мақсади болалар ва аёллар ҳолатини яхшилаш бўйича миллий мақсадлар ва глобал мажбуриятлар бўйича эришилган ютуқларни кузатиб бориш учун статистик жиҳатдан ишончли, халқаро миқёсда таққосланадиган

кўрсаткичларни йиғишдир. Нега айнан ҳозирда ушбу кузатув Ўзбекистон учун муҳим?

Баҳодир Бегалов: Ўзбекистонда аёллар ва болалар ҳолати тўғрисидаги аввалги Мультииндикатор кластер кузатуви (MICS) 2006 йилда, яъни 15 йил аввал ўтказилган. Ўтган йиллар

давомида аёллар ва болалар ҳуқуқларини муҳофаза қилишга, гендер тенглигини таъминлашга, жамиятда аёлларнинг ҳолатини яхшилашга, мамлакатда болаларнинг ривожланиши учун керакли шароитларни яратишга қаратилган кенг қамровли ислохотлар амалга оширилди, бу эса

халқаро тавсияларга мос равишда маълумотларни янгилаш ва фойдаланувчиларга ишончли, тўлиқ ва долзарб статистик маълумотлар тақдим этиш кераклигини кўрсатади. Шу билан бирга мамлакатда муҳим стратегик ижтимоий-иқтисодий қарорларни қабул қилишда мустаҳкам асос бўлиб хизмат қилади. Бундан ташқари реал маълумотлар халқаро таққослаш ва таҳлил қилишда ўта муҳим аҳамиятга эга. Масалан, MICS маълумотлари ижтимоий ривожланиш бўйича халқаро рейтингларда мунтазам ишлатиб келинади ва янги маълумотлар халқаро майдонда жамиятнинг асосий ривожланиш кўрсаткичлари бўйича жорий ҳолатини намоён этади. Шу билан бир қаторда MICS Барқарор ривожланиш мақсадлари (БРМ)га эришишдаги ўзгаришларни, бир қатор миллий устуворликларни ва болалар ҳуқуқларини амалга оширишдаги ўзгаришларни кузатиб бориш имконини беради. MICS асосий эътиборни болаларга, ёшлар ва аёлларга, мазкур гуруҳ вакилларининг эҳтиёжлари ва муаммоларига қаратган ҳолда бу имкониятни бизга тақдим этади.

– **«Мультииндикатор» атамаси MICS доирасида кўплаб кўрсаткичлар бўйича маълумотларни йиғишни билдиради. Мультииндикатор кластер кузатуви нимани англатади, қандай таркибий қисмлардан иборат?**

Мунир Мамедзаде: Мультииндикатор кластер кузатуви (MICS) аёллар ва болалар учун кўплаб муҳим маълумотларнинг репрезентатив бўлган уй хўжаликлари кузатуви доирасида йиғилишини англатади. MICS кузатуви учун танланган уй хўжаликлари мамлакат аҳолисининг белгиланган гуруҳларини (аёллар, болалар, ҳудудлар бўйича аҳоли, шу билан бирга қишлоқ ва шаҳарда яшовчилар) акс эттиради. Аҳоли ўртасида 4 та саволнома ёрдамида сўров ўтказилади: уй хўжалиги учун саволнома, 15–49 ёшдаги аёллар учун индивидуал саволнома, беш ёшгача бўлган болалар учун саволнома, 5–17 ёшдаги болалар учун саволнома. Эмлаш ёзувлари учун анкета шакли соғлиқни сақлаш муассасасида уч ёшгача

бўлган болаларни эмлаш ёзувларини тўплашда қўлланилади. Маълумотларнинг сифати, шаффофлиги, холислиги, ишончилиги ва реал вақтда тўпланишини таъминлаш учун сўров планшетлар ёрдамида ўтказилади.

– **Ҳозирги кунда Ўзбекистонда бир нечта уй хўжаликлари кузатувлари ўтказилади, улар асосан аҳоли тўғрисида ижтимоий-иқтисодий маълумот беради. Ушбу сўровнинг бошқа сўровлардан афзалликлари нимада?**

Баҳодир Бегалов: MICS аҳолининг одатда нисбатан заиф қатламлари қаторига кирувчи аёллар ва болалар тўғрисида маълумотларни тўплаш учун ишлаб чиқилган. Давлат сиёсати кўпроқ эҳтиёжмандларни қўллаб-қувватлашга қаратилган экан, шубҳасиз, ушбу заиф гуруҳларни ва уларнинг муаммоларини аниқлаш керак бўлади. Болалар, ёшлар ва аёллар тўғрисидаги маълумотларга эга бўлиш, ҳукуматга аҳолининг ушбу гуруҳлари эҳтиёжларини қондиришга қаратилган мақсадли дастурларни ишлаб чиқиш имконини беради.

– **Тадқиқотнинг молиявий ва техник кўмаги Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Болалар жамғармаси (ЮНИСЕФ) томонидан тақдим этилди. Нима учун MICS ЮНИСЕФ иши учун муҳим ва қимматли маълумотлар манбаи ҳисобланади?**

Мунир Мамедзаде: Тараққиётни кузатиб бориш ва далилларга асосланган қарорларни қабул қилиш учун уй хўжалиги даражасидаги маълумотларнинг кучига катта баҳо бериб бўлмайди. ЮНИСЕФ оддий маълумотлар тўплаш ва улардан ҳукуматнинг аёллар ва болалар учун энг яхши натижаларга эришишга имкон берувчи илғор сиёсат ва дастурларини маълумотлар билан таъминлаш мақсадида фойдаланиш қолипидан чиқиш кераклигига ишонади. MICS, шубҳасиз, далилларга асосланган болаларга боғлиқ сиёсатни ишлаб чиқиш, Ўзбекистонда барқарор ривожланиш мақсадлари, болалар ҳуқуқлари ва миллий устуворликларни мониторинг қилиш учун янгиланган ижтимоий-иқтисодий кўрсаткичларни акс эттиради.

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти томонидан 2020 йилдан 2030 йилгача бўлган давр «Ҳаракатлар ўн йиллиги» деб эълон қилинди. Мазкур MICS кузатуви биз томонимиздан, ҳақиқатан барқарор ривожланиш мақсадлари доирасида тезкор натижага эришиш йўлини бошлаш ва амалий ҳаракатга ўтиш даврида ўтказилади. Шунинг учун бугун маълумотларни йиғишнинг ва керак бўлса, ривожланишини тезлаштириш керак бўладиган соҳаларга алоҳида эътибор қаратишнинг айна мақбул вақти.

Ўзбекистон ижтимоий ривожланишнинг кўплаб кўрсаткичлари бўйича яхши натижаларга эришди ва MICS кузатуви бунга яққол намоён бўлган. Бундан ташқари барча бошқа давлатлар сингари ривожланишда аниқланиши ва бартараф этилиши керак бўлган бўшлиқлар мавжуд. Бу борада MICS каби уй хўжалиги кузатувлари камбағаллик ва тенгсизлик кўрсаткичларини аниқлашда ҳал қилувчи аҳамиятга эга ва албатта, мамлакатнинг муваффақиятли ривожланиши учун ёрдам бериш, шу билан бирга ҳеч ким орқада қолмаслигини кузатиб боришда булар ЮНИСЕФ учун энг муҳим маълумотлардир.

– **MICS доирасида қандай соҳалар бўйича маълумотлар йиғилади?**

Мунир Мамедзаде: MICS соғлиқни сақлаш, таълим ва болаларни ҳимоя қилиш соҳаларида болалар ва аёллар ҳолатини кўрсатувчи 130 га яқин кўрсаткичлар бўйича статистик асосланган, халқаро миқёсда таққосланган баҳоларни тўплаш учун мўлжалланган. MICS шунингдек, 33 тага яқин БРМ кўрсаткичларини йиғиб, Барқарор ривожланиш мақсадларини мониторинг қилиш учун керакли маълумотлар манбаи ҳисобланади.

– **Келиб чиқадики, кузатув болалар, ёшлар ва аёллар билан боғлиқ кўплаб мавзуларга тегишли. Қандай мақсадларда ва қандай мавзулар ёритилади?**

Мунир Мамедзаде: MICS болалар, аёллар ва уй хўжалиги фаровонлигини ифодаловчи, соғлиқни сақлаш, таълим, болаларни ҳимоя қи-



лиш, сув таъминоти ва санитария соҳаларини қамраб олувчи кўрсаткичлар бўйича маълумотларни тақдим этади. Маълумотлар респондентнинг жинси бўйича, ундан ташқари аҳолининг 15-25 ёшдаги ёшлар тоифаси бўйича ҳам ажратилиши мумкин. Кузатув фертилик, болалар касалликлари ва уларни даволаш, болаларнинг ривожланиши ва овқатланиши, репродуктив саломатлик, оналар ва янги туғилган чақалоқларнинг соғлиғи, болалар ва ўсмирларнинг аввал учрамаган, масалан, технологиялардан фойдаланиш, бола фаолияти ва таълим даражаси каби муаммолари бўйича мавзуларни ҳам қамраб олади. ОИТСнинг юқиши, бола интизомига муносабат, ўз уйи ва кўчада хавфсизлик ҳисси каби қўшимча маълумотлар ҳам йиғилади.

– **Одатда, миллий уй хўжаликлари кузатувлари танланмаси асоси сўнгги аҳолини рўйхатга олиш тадбирлари натижаларига асосланади. Ўзбекистондаги MICS тадқиқотининг танланма ҳажми миллий даражада репрезентатив маълумотлар олишга имкон берадими?**

Баҳодир Бегалов: Ўзбекистонда аҳолини рўйхатга олиш сўнгги марта 1989 йилда ўтказилганлигини ҳисобга олган ҳолда танланма асоси сифатида ҳар йили маҳаллалар кесимида янгиланиб турувчи аҳоли рўйхатидан фойдаланилади. Шундай қилиб, Ўзбекистонда танланма асоси маҳаллалар даражасида янгиланган маъмурий

маълумотларга асосланади, улар бирламчи танлов бирликлари сифатида белгиланади. Ўзбекистон бўйича танланма ҳажми Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри, шу билан бирга шаҳар ва қишлоқ жойлари кесимида 726 та маҳалладаги 14 520 та уй хўжаликларини қамраб олади. Бу ўз навбатида, маълумотларни миллий даражада репрезентативлигини таъминлаш ва шу билан бирга ҳудудлар даражасида асосий кўрсаткичларни олиш имконини беради.

– **Сиз тўпланган маълумотлар Ўзбекистоннинг ривожланиш динамикасини яхшилаш мақсадида фойдаланилади, деб айтдингиз. Қандай қилиб ушбу маълумотлар мамлакат ривожланишининг устувор йўналишларига таъсир қилади?**

Баҳодир Бегалов: Ўзбекистон ҳукумати БРМ йўналишидаги ривожланишни кузатиб бориш ва улар бўйича базавий кўрсаткичларни яратиш борасида миллий асосларни ишлаб чиқар экан, стратегик режалаштириш ва инвестициялар учун MICS томонидан тақдим этиладиган ишончли ва долзарб бўлган маълумотлар талаб қилинади. 2020 йил 29 декабрда Президент Шавкат Мирзиёев ўзининг мамлакат Парламентига йил якунлари бўйича қилган Мурожаатномасида аёллар ва болалар ҳолатига ижобий таъсир этадиган асосий сиёсий устуворлик ва мақсадларни белгилаб берди ва мамлакатда ислохотларнинг

сифат жиҳатидан янги босқичида ушбу йўналишда қўйилган мақсадларга эришишнинг янги даври бўлишини таъкидлади. MICS маълумотлари болалар ҳуқуқларини мониторинг қилиш миллий тизимини такомиллаштиришга, миллий ва ҳудудий даражадаги оналар ва болаларга оид ижтимоий дастурларни режалаштириш ва амалга ошириш учун зарур бўлган долзарб маълумотларни ҳамда миллий статистика амалиётига халқаро даражага мослаштирилган кўрсаткичларни йиғишга, аёллар ва болалар ҳолатига оид халқаро мажбуриятлар ва миллий устуворликларни бажариш жараёнларини мониторинг қилишга хизмат қилади.

– **Давлат ва халқаро даражада ўтказиладиган шу каби кузатувлар етарлича маблағ талаб қилади. Лойиҳанинг қиймати қанча ва ким донор ҳисобланади?**

Баҳодир Бегалов: Ўзбекистонда MICS Ўзбекистон ҳукумати ва ЮНИСЕФ томонидан молиялаштирилади. MICSнинг умумий қиймати 1 млн. АҚШ долларида юқори бўлиб, ушбу маблағларнинг 30 фоизга яқин қисмини Ҳукумат номидан Давлат статистика қўмитаси ва 70 фоизини ЮНИСЕФ молиялаштиради. Бундан ташқари Давлат статистика қўмитаси MICS сўровига интервьюерлар, антропологик кўрсаткичларни ўлчовчилар, гуруҳ раҳбарлари, рўйхат тузувчилар ва картографлар сифатида 150 дан ортиқ ходимларни жалб қилмоқда.



«ЎЗСАНОАТҚУРИЛИШБАНК»ДА ТРАНСФОРМАЦИЯ: МУКАММАЛ ТЕХНОЛОГИЯЛАРДАН ҚУЛАЙ ВА СОДДА ХИЗМАТЛАР

«Ўзсаноатқурилишбанк» Ахборот хизмати

2020 йилда Ўзбекистон банк-молия соҳасида рақамли трансформация ишлари фалол амалга оширилди. Бунинг бир томондан, тижорат банклари дунё банк бизнесини ўзлаштиришга интилаётган муқаррар жараён, иккинчи томондан эса қутилмаган пандемия шароити туфайли юзага келган зарурат ҳосиласи, дейиш мумкин.

Дарҳақиқат, ўтган йили корона-вирус пандемияси таъсирида жаҳон бўйлаб оғир вазият ҳукм сурди. Карантин туфайли айрим соҳаларда «иқтисодий таътил»лар эълон қилинди. Бу борада мамлакатимизда Президентимиз бошчилигида ўз вақтида қабул қилинган муҳим қарорлар кўпгина тармоқлар қатори республика молия бозорини ҳам катта зарар кўришдан асради.

Хусусан, «Ўзсаноатқурилишбанк» тизимида йил бошида Халқаро молия корпорацияси (ХМК) ҳамда Европа тикланиш ва тараққиёт банки (ЕТТБ) мутахассислари билан ҳамжиҳатликда бошланган трансформация тадбирларининг 2-босқичи бўйича ишлар бир зум ҳам тўхтамади. Аксинча, лойиҳаларнинг аксарияти карантин

шароитидан келиб чиқиб, ўз муддатидан аввал ҳаётга татбиқ этилган бўлса, заруратга кўра яна бошқа янги лойиҳаларга ҳам қўл урилди.

БАНК БОШҚАРУВИДАГИ ЎЗГАРИШЛАР

Трансформация жараёнида халқаро талабларга мос бўлган корпоратив бошқарув ва риск менежмент тизими яратилди. Бунинг учун Бош банкда Корпоратив бошқарув хизмати ҳамда корпоратив маслаҳатчи лавозими жорий қилинди. Банк Кенгаши таркибига 4 нафар мустақил аъзо қўшилди. Кенгаш ҳузурида 5 та янги қўмита (Стратегия, Тайинлаш ва рағбатлантириш, Йирик ва манфатли битимлар, Таваккалчиликларни назорат қилиш, Аудит қўмиталари) ташкил этилди.

Мижозларга йўналтирилган банкнинг янги ташкилий тузилмаси жорий қилинди. Халқаро тажриба асосида ташкилий тузилмалар 5 та, жумладан, Корпоратив, кичик ва ўрта бизнес, чакана бизнес, Кредит, Операцион, Риск, Молия блокларига ажратилди.

«Ўзсаноатқурилишбанк»да биринчи марта Лойиҳа бошқаруви

(РМО) фаолияти йўлга қўйилди. Ҳар бир бизнес йўналишларида мижозбай хизмат кўрсатувчи универсал ходимлар тайёрланди (RM).

Молиявий режалаштириш ишларини автоматлаштириш йўналишида Германиянинг SAP компанияси дастури асосида молиявий прогнозлаштириш тизими, CERT халқаро стандартлаштириш ташкилоти билан ҳамкорликда «антикоррупция» тизими ишга туширилди.

Чакана бизнес йўналишида ишлайётган барча ходимларни KPI тизими асосида рағбатлантириш йўлга қўйилмоқда.

ЧАКАНА БАНК БИЗНЕСИ

Чакана банк бизнесида амалга оширилаётган трансформация ишларида банк хизматларини халққа илғор технологиялар асосида оддий ва қулай тарзда етказишга устувор аҳамият берилмоқда.

Хусусан, банк хизматларини мижозларга яқинлаштириш мақсадида банк хизматлари офислари 42 тага, ўз-ўзига хизмат кўрсатиш марказлари (24/7) 89 тага етказилди.

Филиаллар тармоғида мижозлар-



га банк хизматларидан фойдаланишда қулайлик яратиш мақсадида қўшимча 30 та электрон навбат ускунаси ўрнатилиб, қамров 90 фоизга етказилди.

Рақамли банк хизматларини кўрсатиш йўлида аҳоли учун мутлақо янги 58 та хизмат турини ўз ичига олган «Joyda» мобил иловаси ишга туширилди. Илова билан биргаликда хизмат ва товарларни истеъмол кредити ҳисобига масофадан сотиб олиш имконини берувчи электрон савдо майдончаси (маркетплейс) ташкил этилди.

Шунингдек, мазкур мобил илова орқали банкда пластик карта очган мижозларга онлайн микроқарз ажратиш, хорижий валютани миллий валютага конвертация қилиш, «Золотая корона» халқаро пул ўтказмалари тизимидан келган маблағни тўғридан-тўғри пластик картага ўтказиш хизматлари ишга туширилди.

Пластик картага онлайн буюртма бериш ва уларни мижозларга етказиш, жисмоний шахслар учун кредит қарздорликларини СМС-хабарнома орқали тўлаш хизмати жорий этилди. Натижада муомаладаги пластик карталар сони 31 фоизга ортиб, 1,3 млн. донани, ўрнатилган терминаллар 23 фоизга ўсиб, 35,2 минг тани, банкомат ва инфокиосклар тармоғи 24 фоизга кўпайиб, 423 тани ташкил қилди. Масофавий хизматлардан фойдаланувчилар сони 2,1 баробарга ортиб, 1,7 млн. нафарга етди.

Visa карталари учун 3D Secure ҳимоя тизими ишга туширилди.

БАНКНИНГ САРМОЯВИЙ ФАОЛИЯТИ

Коронавирус пандемияси оқибатларини юмшатиш борасида «Ўзсаноатқурилишбанк» томонидан махсус чора-тадбирлар ишлаб чиқилди. Унга кўра карантин сабабли

қийин аҳволга тушиб қолган 1235 нафар тадбиркорни қўллаб-қувватлаш учун 4 трлн. сўм, 91 та экспортёрга 2,6 трлн. сўм кредит ажратилди, 3 809 та мижознинг 2,9 трлн. сўмлик кредитлари муддати 6 ойга узайтирилди. 132 та экспортёрга айланма маблағларни тўлдириш учун 3,6 трлн. сўм молиялаштирилди.

Мижозларни тезкор кредитлаш мақсадида тадбиркорлар учун 26 турдаги, йирик корхоналарга 8 турдаги ва аҳоли учун 22 турдаги модулли кредитлар жорий қилинди. 630 млрд. сўм миқдоридagi 2197 та кредит ана шу механизм асосида ажратилди.

Тадбиркорлар ва аҳолини кредитлашда инсон омили иштирок этмайдиган янги скоринг тизимига асосланган Андеррайтинг йўлга қўйилди. Бу билан аввалги 5 поғонали кредитлаш тизими 2 поғоналига туширилди.

Ўзбекистонда биринчи бўлиб яшил лойиҳаларни молиялаштириш механизми ишга туширилди. Бу йўналишда молиялаштирилган дастлабки лойиҳалар сони 17 та бўлиб, уларга 31,9 млн. АҚШ доллари жалб қилинди.

